

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ  
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ  
ОЛИЙ МАКТАБИ**

**“Санъат назарияси ва тарихи” кафедраси**

**“ЎЗБЕК РАҚС САНЪАТИНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ  
ЖАРАЁНЛАРИ”**

**(1928 – 2016 йиллар материаллари асосида)**

**“Санъатшунослик” таълим йўналиши битирувчиси**

**Набижонова Ойдиной Азаматовнанинг**

**МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ**

Кафедра мудири:

Ф.ф.д, доцент Муродова М.Ш.

“ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2018 йил

Илмий раҳбар:

Санъатшунослик фанлари  
номзоди Юлдашев Т.И.

“ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2018 йил

**Тошкент 2018**

## **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>I БОБ. “ЎЗБЕК РАҚС САНЪАТИ РИВОЖИНИНГ ДАВРЛАРИГА ТАРИХИЙ НАЗАР”</b>	
1.1. Ўзбек рақсининг ривожланиш босқичлари.....	9
1.2. Миллий рақс санъатининг илк намоёндалари.....	16
<b>II БОБ. “ЎЗБЕК ХОРЕОГРАФИЯ САНЪАТИНИ ИЛМИЙ ЎРГАНИШДА РАҚСШУНОС ОЛИМ ВА ПЕДАГОГЛАРНИНГ ЎРНИ”</b>	
2.1. Санъатшунослик институти театр ва хореография бўлимида рақс санъатининг илмий ўрганилиши.....	29
2.2. Мустақиллик йилларида хореография санъатини илмий ўрганиш жараёнлари.....	40
<b>ХУЛОСА</b> .....	50
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	54
<b>ИЛОВА</b>	

## КИРИШ

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, барча соҳаларда туб ислохотлар бошланди. Бу ислохотларнинг барчаси инсон омилини ҳар қачонгидан ҳам юқори савияга кўтариб, ёшларнинг идроки, салоҳияти, маънавий баркамоллигининг ривожланишида асос бўлди.

Республикада инсон шахсини, унинг юксак маънавий фазалатларини камол топтириш, миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш устивор вазифа ҳисобланади. Ёш авлодни бой маданий меросимиз ҳамда тарихий қадриятларимизга ҳурмат-эътибор, мустақил Ватанимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш ҳозирги кун талабидир.

Бугунги кунда ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий оламини бойитиш, унинг қалбида келажакка ишонч туйғуларини шакллантириш масаласи долзарб бўлиб келмоқда.

Жамият ижтимоий-маданий ҳаётида инсоннинг ижод маҳсули, ички кечинмаларининг нозик намунаси бўлган санъат барча даврларда ҳам юксак мавқега эга бўлган. Санъат ҳамиша инсон маънавий оламининг ажралмас қисми, ўзига хос озуқа бўлиб келган. Шу билан бирга санъатнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ҳамда тараққий этишида инсон маънавий онгининг муҳим кўриниши: фикр-мулоҳазаси, таърифи ва эътирофи муҳим аҳамият касб этган.

Рақс санъати инсоният тарихининг дастлабки даврларида меҳнат жараёнларида, маиший кўринишларда пайдо бўлди. Халқнинг маиший ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланиб келган, маиший мазмун-моҳиятга эга бўлган рақс, кейинчалик томошавийликка касб этиб борган. Узоқ тарихий тараққиёт натижасида рақс сайқалланиб, бадиий бойиб бориш натижасида санъат даражасига кўтарилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 8 январдаги “Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш

тўғрисида”<sup>1</sup> ги Фармонида ўзбек миллий рақс санъатининг тарихий анъаналарини ва усулларини тиклашга эътибор қаратилган.

Мустақиллик йилларида ўзбек анъанавий рақсларини асраш, ўзбек рақс санъатининг тарихий анъаналарини, бадий услубларини ва усулларини тиклаш ҳамда бойитиш, рақсларни миллатимизнинг ўзига хос фазилатлари, бой маънавиятига муносиб даражада ижро этишга эътибор қаратилди.

Мустақиллик шарофати билан республикада кўплаб байрам ва урф-одатлар тикланди. Анъаналар, маросимлар ва урф-одатлар қарор топди, миллий қадриятларни тиклаш, мавжуд рақс мактабларининг анъаналарини халқ орасида оммалаштириш ва уларни чуқур ўрганиш учун кенг имкониятлар яратилди. Халқимизнинг маънавий меросини сақлаш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, уни келажак авлодга тўлиқ ҳолда етказиш вазифалари самарали ишлар асосида амалга оширилмоқда. Келажак авлод учун халқимизнинг бой тарихий, маданий, бадий ва маънавий меросини нафақат сақлаб қолиш, балки уни чуқур ўрганиш ва тадбиқ қилиш ҳозирги куннинг муҳим вазифасига айланди.

Ўзбек миллий рақс санъати ўзининг чуқур мазмунга эгалиги, нафислиги, нозиклиги, ички кечинмалар ва гўзал ҳис-туйғуларга бойлиги ҳамда шарқона хулқ - атвор замирида юзага келганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрелдаги N ПҚ-2909 Қарорига мувофиқ “Олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини ошириш, талаба-ёшларга мустақиллик ғояларига, юксак маънавият ва инсонийликнинг миллий анъаналарига содиқлик руҳини чуқур сингдириш, уларда ёт ғоя ва мафкураларга нисбатан иммунитет ва танқидий тафаккурни мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли

---

<sup>1</sup>Каримов И. А. – “Ўзбекистон миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони. 1997 йил 8 январь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 йил 1-сон, 26-28 бетлар.

маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш” вазифалари белгиланди <sup>2</sup>.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон санъатшунослик илмида рақс санъатини ёт унсурлардан ҳимоя қилиш, унинг оммавий маданият таъсирларидан асраш, келажак авлодга намунавий мактаблар меросини қолдириш масаласи энг устивор вазифа ҳисобланади.

**Мавзунинг долзарблиги.** Рақс санъати инсоннинг энг нафис ҳис-туйғулари ва ҳаяжонларини, нозик ички кечинмалари ҳамда орзумидларини ўзида мужассам этади, бу туйғуларни нозик ҳаракатларда кўрсатади. Рақс санъатида ҳар бир миллатнинг ўзига хос хусусиятлари, қиёфаси, халқнинг тарихи ва руҳияти ўзлиги билан намоён бўлади.

Ўзбек миллий рақс санъати халқимизнинг маданий-маънавий бойлиги сифатида қадрланиб, ҳозирги кунгача авайлаб-асраб келинмоқда.

Бугунги кунда рақс санъати инсон маънавий оламида катта аҳамият касб этади, шу боис ўзбек рақс санъатининг ривожланиш жараёнлари, рақсшунослик илмининг пайдо бўлиши ҳамда ривожланиши, ўзбек рақс санъати ривожига ўз ҳиссасини қўшган рақсшуносларнинг илмий ва ижодий йўлини ўрганиш ниҳоятда муҳимдир.

Шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, таниқли олимлар Мамажон Рахмонов, Мухсин Қодиров, Любовь Авдеева, Розия Каримоваларнинг олиб борган илмий - тадқиқот ишлари ва уларнинг катта меросини ўрганиш шу куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Бу олимларнинг қолдирган қўлёзмалари, нашр этилган китобларини амалиётга тадбиқ этиш, хореография соҳаси санъатшунослик илмини жонлантириш муҳимдир.

**Мавзунинг ўрганилиш даражаси.** Ўзбекистонда рақс санъатининг тарихи ва назарияси этнографик нуқтаи - назаридан илк бор 1930 йиллардан Ираида Бахта ва Ғулом Зафарий томонидан ўрганила бошланди.

---

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”. 2017 йил 20 апрелдаги N ПҚ-2909 Қарори.

Ираида Бахта ва Гулом Зафарий мусикашунос олима Елена Романовская билан ҳамкорликда “Катта ўйин” – рақс санъати бўйича ноёб асарни ёзиб олдилар ва бу тадқиқот яратилиши самарасида рақсшунослик илмига асос солинди.

Хореография санъати соҳаси санъатшунослигининг ривожига Любовь Александровна Авдеева катта ҳисса қўшган бўлиб, олима ўз тадқиқотларида миллий рақснинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи, анъанавий рақс либослари ҳамда Фарғона, Бухоро ва Хоразм рақсларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида илмий маълумотлар тўплаган. Миллий ўзбек рақсларини илмий ўрганиш, рақс мактаблари, уларнинг ўзига хос бадиий ижро услубларини классификация қилиш Л.А.Авдееванинг “Ўзбек миллий рақси тарихидан”<sup>3</sup>, “Танцевальное искусство Узбекистана”<sup>4</sup> ва бошқа асарларида ўз аксини топган.

Тадқиқотчи, педагог, раққоса, балетмейстер Розия Каримованинг “Ўзбек рақслари”<sup>5</sup> китоби ўзбек миллий рақс санъати бўйича ўқув қўлланма бўлиб, унда соҳадаги мавжуд қонуниятлар, ҳудудий ўзига хос хусусиятлар, турли мактаблар ижро услублари, ҳаракатларнинг номланиши ва уларнинг ижро этилиш услублари ҳақида тўлиқ маълумотлар берилган. Розия Каримова ўзининг бир қатор монография, ўқув қўлланма ва дарсликлари билан соҳа ривожига катта ҳисса қўшди.

**Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари.** Битирув малакавий ишнинг асосий мақсади миллий рақс санъати ривожининг илмий жараёнларини, миллий рақс санъатининг илк намоёндалари ижодини ўрганиш, рақсшунос олим ва санъаткорларнинг ўзбек рақс санъатида тутган ўрни ва аҳамиятини очиқ бериш, уларнинг илмий - ижодий фаолиятини ёритиш. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, битирув малакавий ишда қуйидаги вазифалар амалга оширилиши белгиланади:

---

<sup>3</sup> Авдеева Л. Ўзбек миллий рақси тарихидан. “Ўзбекрақс бирлашмаси”. Тошкент, 2001, 284 бет.

<sup>4</sup> Авдеева Л. Танцевальное искусство Узбекистана. Ташкент, 1963, стр.190.

<sup>5</sup> Каримова Р. Ўзбек рақслари. Ташкент, 2003.

1. Танланган мавзу бўйича мавжуд илмий ишлар ва мақолаларни таҳлилий ўрганиш.
2. Рақс санъатининг назарий базаси тарихини ўрганиш.
3. Рақсшунослик илмининг пайдо бўлиши ва ривожланиш тамойилларини ўрганиш.
4. Ўзбек рақс санъатини илмий ўрганиш жараёнларини аниқлаш.
5. Рақсшунос олима Любовь Александровна Авдеева, Ўзбекистон халқ артисти, рақсшунос Розия Каримова ва бошқаларнинг ижодий ҳамда илмий фаолиятини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти ва предмети.** Малакавий битирув ишининг тадқиқот объекти ўзбек рақсшунослигининг илмий ўрганилиши, предмети олима Любовь Александровна Авдеева, олима Розия Каримованинг ижодий ҳамда илмий фаолиятidir. Битирув малакавий иш миллий рақс санъати ривожининг илмий жараёнларини ўрганишга қаратилган.

**Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги.** Мазкур малакавий битирув иши доирасида ўзбек рақсшунослигининг ривожланиш жараёнлари тарихий, назарий ва танқидий мезонлар асосида кўриб чиқилди. Рақсшунос олимлар яратган илмий қўлламалар ва мақолаларни ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш масаласи кўтарилди. Ушбу малакавий битирув ишида ўзбек рақс санъатини илмий ўрганишнинг даврлари ва жараёнлари, рақсшунос олимларнинг илмий ва ижодий фаолиятига рақс санъати мутахассисларининг эътибори тортилади.

**Битирув малакавий ишда қўлланилган методология.**

Ушбу малакавий битирув ишида тарихий – муаммовий, қиёсий методология қўлланилган.

**Битирув малакавий ишининг тузилиши.** Юқорида белгиланган мақсад ва вазифалар қуйидаги тузилиш таркибини белгилаб беради:

Битирув малакавий иш Кириш, Биринчи боб, Иккинчи боб, Хулоса, Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва Иловадан ташкил топган.

**Кириш** қисмида танланган мавзу долзарблиги, унинг ёритилиш даражаси, ишнинг илмий янгилиги, унинг методологик таянчини ташкил қилган асосий манбалар, тадқиқотнинг предмети, объекти, иш олдида қўйилган мақсад ва вазифалар доираси ҳамда малакавий ишнинг таркибий тузилиши очиб берилади.

**Биринчи боб “Ўзбек рақс санъати ривожининг даврларига тарихий назар”** деб номланиб, икки таркибий қисмдан ташкил топади. Бу бобда ўзбек рақс санъати ривожининг қисқача тарихи, ўзбек рақс санъатининг илк намоёндалари, уларнинг ҳаётининг ва ижодий фаолияти ҳақида маълумот берилади.

Малакавий ишнинг **Иккинчи боби** “Ўзбек хореография санъатининг илмий ўрганишда рақсшунос олим ва педагогларнинг ўрни” деб номланиб, ўзбек рақс санъати ривожининг муҳим ўрин тутган санъаткор ҳамда олималарнинг илмий ва ижодий йўли, уларнинг ижрочилик ҳамда устозлик фаолиятларига бағишланган.

**Хулосада** олиб борилган барча изланишлар юзасидан умумлаштирилган фикрлар баён этилади ва баъзи фикр-мулоҳазалар келтирилади.

## **I БОБ. ЎЗБЕК РАҚСШУНОСЛИГИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР**

### **1.1. Ўзбек рақс санъати ривожининг хусусида**



Рақс санъати узоқ тарихий ривожланиш даврини босиб ўтган ҳамда бошқа санъат турлари билан бир вақтда, бир ўзакдан келиб чиққан. Рақс аجدодларимиз учун ҳаётда доимий меҳнат фаолиятини тиклашда, эстетик завқ олишда муҳим ифодавий ҳамда бадиий восита бўлиб хизмат қилган. Шу билан бирга инсон меҳнат фаолияти орқали нафақат рақсга, балки кўшиқ, театр, тасвирий санъатга ҳам мурожаат этган.

Рақс санъати халқларнинг энг қадимий санъат турларидан бири бўлиб, у халқнинг миллий руҳини ифода этади. Қадимий рақслар ибтидоий даврда яшаган инсоннинг меҳнат жараёнида ва атрофдаги ҳодисалардан олган ҳис-туйғулари ва эстетик таассуротлари билан боғлиқ ҳолда юзага келган. Дастлаб кўшиқ ва сўз билан боғлиқ ҳолатда ривожланган рақс, ҳаётдаги ўзгаришлар таъсирида янгиланиб, такомиллашиб бориб, мустақил санъат турига айланган.

Бошқа соҳаларга қараганда санъатнинг катта маънавий - тарбиявий кучга эга эканлиги маълум. Жозибали рақс юракларга эзгулик улашади, гўзал ва нафис ҳаракатлар инсонни рақснинг назокатли оламига олиб киради. Рақснинг сирли ва мафтункор ҳаракатлари инсон кўнглини завққа тўлдиради, унинг тафаккурини бойитишга хизмат қилади.

Ҳар бир халқ рақсларида ўзига хос ижро услуби, ҳаракатларнинг тасвирий воситалари мавжуд бўлиб, рақслар шу халқнинг тарихий, ижтимоий, географик шароитлари таъсирида таркиб топган ва ривожланиб келган. Ҳар бир халқнинг ўзига хос, бир - бирига ўхшамайдиган рақс санъати мавжуд бўлиб, унинг куй - тароналарида, ҳаракатларида ранг - баранглик, халқнинг бой ҳаёлотли, гўзаллиги ва ўзлиги намоён бўлади.

Рақс санъатида асосий ифода воситаси ҳисобланган ижрочининг уйғун тана ҳаракати ва ҳолатлари, юзидаги имо - ишоралари, шу билан бирга муסיқий ритм, темп бадиий образ яратилишига хизмат қилади ҳамда рақснинг ўзига хос, шартли-мажозий хусусиятларини белгилайди.

Этномаданият манбаларига асосан, Ўзбекистон худудида бундан қирк минг йил аввал яшаган инсонлар ўз ҳис-туйғулари, ҳаяжонлари ва изтиробларини турли оҳангли, ифодавий воситалар – ашула ва тана ҳаракатлари орқали бадий умумлаштиришга ҳаракат қилганлар<sup>6</sup>.

Рақслар ҳақидаги дастлабки маълумотлар республикамиз ҳудудларида жойлашган тоғ қоятошларга чизиб қолдирилган кўплаб тасвирлар орқали ҳозирги кунга етиб келган. Ўзбек рақс санъатининг қадимийлиги, унинг шакл ва турларининг бойлиги аجدодларимизнинг асосан деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланганидан дарак беради.

Зардуштийликнинг муқаддас “Авесто” китобида рақс санъатининг бронза ҳамда илк темир даврида икки йўналишда ривожлаганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Ўзбекистон жойлашган ҳудудда топилган турли тасвирлар, археологик топилмалар бу ерда рақс жуда қадимийлигидан ва бундан уч минг йил бурун ушбу ҳудуднинг жанубий туманларида профессионал рақс санъати шакллана бошлаганидан гувоҳлик беради.

Ўзбекистон тарихи саҳифаларидан, Л.Авдеева тадқиқотларидан маълумки, шаҳар маданиятининг ўсиб бориши натижасида рақс санъати ҳам ривожланиб борди, унинг мураккаб шакллари пайдо бўлди<sup>7</sup>. Рақснинг жанрлари, турлари, туркумлари кенгайиб, халқнинг маиший ҳаётида ўз ўрнига эга бўлиб борди.

Қадимий Хоразм, Бактрия, Сўғдиёна давлатларида, республикамизнинг турли ҳудудларида, жумладан, Сурхондарёнинг Зараутсой камари, Фарғонанинг Суратсой ва Саймалитош манзили, Самарқанднинг Илонсой ва Оксой ҳудуди ҳамда Хоразмдан топилган кўплаб ёдгорликлар ўзбек рақс санъатининг қадимийлигидан гувоҳлик беради. Бактрия ва Сўғдда топилган қадим ёдгорликлар кўшиқ куйлаш манзаларини ўзида акс эттирган.

---

<sup>6</sup> Рахмонов М. Ўзбек театри тарихи. – Тошкент, 2003.

<sup>7</sup> Авдеева Л. Танцевальное искусство Узбекистана. - Ташкент, 1963, стр. 14.

Шу каби ёдгорлик намуналари Самарқанд ва Панжикент чегаралари худудида ҳам топилган бўлиб, уларнинг барчаси мамлакатимизда қадимдан рақс санъати ривожланиб келганига гувоҳлик беради.

IX – XII асрларга келиб рақс санъатида ривожланиш юз беради, қадимий рақслар тикланади ва улар Наврўз, Меҳржон ҳамда Сада байрамларида намойиш этилади.

Ўрта Осиёнинг йирик олими Абу Райҳон Беруний “Ўтган авлодлар ёдгорликлари” (XI аср) рисоласида шундай ёзган: “Энди Наврўз баҳорда нишонланмоқда – йилнинг ҳосилдорлиги белгиланадиган пайтда, яъни биринчи томчи тушишидан гуллар очилишигача, дарахтлар гуллашидан мева пишганича...”. Шунинг учун Наврўз оламнинг яратилиши, бошланиши кўрсаткичига айланган<sup>8</sup>.

Феодаллар саройларида профессионал санъат борган сари тор доирадаги — уй ичи санъатига айланиб, унинг ихчам, кичик шакллари ривож топа бошлади. XIV—XVI асрларда Ўрта Осиёда феодализм маданияти гуллаган даврда сарой санъати жадал ривожланиб, катта ютуқларга эришди.

Рақс санъати Темурийлар даврида кенг раванқ топди. Амир Темур Моворауннахрни муҳим маданий марказлардан бирига айлантириши боис, бу ерда маданият ва санъатга эътибор ниҳоятда кучайди. Амир Темурнинг ҳукмдорлик даврида маданият, илм-фан, меъморчилик, тасвирий санъат, шеърят ва мусиқа санъати юксак даражада ривожланди. Халқ сайиллари ва байрамлар ташкил этилиб, бунинг натижасида оммавий майдон рақси ривож топди.

Темурийлар даврининг томоша ҳамда рақс санъати ҳақида маълумотлар мавжуд бўлиб, бу борада Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” каби асарларини тилга олиш мумкин. Ўрта Осиёнинг энциклопедик олимлари Абу Райҳон

---

<sup>8</sup> Карабаев У. Этнокультура. - Ташкент, “Шарк”, 2005, стр.39.

Беруний, Абу Али ибн Сино, мусикашунос Абу Наср Фаробий, Абдурахмон Жомий, сарой мусикачиси Дарвеш Али Чангийнинг мусика санъатига доир илмий рисоалари муҳим манба бўлиб, уларда мусикий товуш хусусиятлари, акустика, мусика чолғулари, рақс ритми ва усуллари каби мавзулар ёритилган.

Шаҳарларда савдо ва хунармандчиликнинг ривожланиши ҳамда уларнинг ихтисосланиши санъаткорлар ҳаётида ҳам анча ўзгаришларга сабаб бўлди. Профессионал артистлар (сарой артистларидан ташқари) турли хунарманд касиблар каби ўзининг қаттиқ қонун - қоидаларига эга бўлган махсус цехларга бирлашганлар. Шунини алоҳида қайд этиш зарурки, кўп касиблар ёки уюшма аъзолари махсус маросим ўйинларини ижро этишни ҳам билганлар: раққослик уларнинг иккинчи хунарлари ҳисобланган.

XIX аср охири ва XX аср бошларида ўзбек рақс санъати “Катта ўйин” номли йирик шаклдаги бир қанча рақслардан (бу жанрдаги рақсларнинг асоси айнан шу рақснинг ўзи бўлгани учун, уларнинг ҳаммасини ҳам шу ном билан юритишар эди), “Хона базм” деб аталувчи рақслардан, оммавийлаштирилган рақслардан, циркка хос бир қанча ўйинлардан ва ижрочилари профессионал раққос бўлмаган импровизация ўйинларидан иборат эди <sup>9</sup>.

Халқимизнинг хореографик меросида “Катта ўйин”нинг мавжудлиги ўзбек рақсининг катта тарихга эга эканлиги ва кўп асрлардан бери ривожланиб келаётганидан дарак беради.

XX асрларда рақс санъати Бухоро, Хоразм ва Фарғона рақси йўналишларида ва замонавий сахна талаблари асосида қайта ишланган сахнавий халқ рақси сифатида ҳамда миллий рақс элементларидан фойдаланган балет спектакллари тарзида ривожланиб келди.

---

<sup>9</sup> Авдеева Л. Танцевальное искусство Узбекистана. Т. 1960, стр.15.

Ўзбекистон Мустақилликка эришган даврдан бошлаб рақс санъати ривожига алоҳида эътибор берилди, қадимги урф-одат, анъана ва маросимлар қайта тикланди. Рақс санъати янгича шакл ва тез суръатларда ривожланиб, ўтган давр мобайнида рақс санъатининг бой анъаналари ўзига хос талқин ва мазмунга эга бўлди.

Ўзбек халқ рақслари ранг - баранг кўринишларга эга бўлиб, бу турли минтақаларда жанр, мавзу, рақсларга қизиқишнинг турличалиги билан белгиланади. Халқ рақслари ҳажвий, лирик, драматик жанрларга эга бўлиб, уларда меҳнат, маиший муҳит, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатлари анча содда акс этирилади.

Халқ рақси билан биргаликда мумтоз рақс туркуми ҳам мавжуд бўлиб, унинг ижро усули ва анъаналари авлоддан-авлодга ўтиб, сайқал топиб келмоқда. Дастлаб турли тарихий босқичларни босиб ўтиб, сўнгра асосан профессионал рақс усталари томонидан ижро этилган миллий рақс шакли ва ҳаракатлари тартибга келтирилган.

“Ўзбек халқининг кўҳна рақс санъатини тиклаш анъанавий рақс санъатини таснифлаш жадвалини тузиб чиқиш имконини берди. Унда тўртта рақс “мактаб”ининг гувоҳи бўламиз: фарғонача, бухороча, хоразмча ҳамда тоғли халқлар рақслари. Ана шу тўрт тизимга хос рақслар ҳар бирининг ҳаётини, машҳур мавзу ва мазмунларни мураккаб йўсинда ифода этувчи рамзли, тимсолли пластик олами мавжудлигини, ўзига хос хореографик тафаккур зимирига қурилганлигини эътироф этиш лозим”<sup>10</sup>.

Ҳозирги Ўзбекистон вилоятларининг турмуш тараққиёти, меҳнат, табиат, ҳаёт шароитларининг ўзига хослиги ўзбек рақсларнинг турли-туман услубларининг яратилишига сабаб бўлди.

Ўзбек рақсларининг Фарғона, Хоразм ва Бухоро рақс мактаблари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос услуб, ҳаракат, ҳолат ҳамда

---

<sup>10</sup> Авдеева Л. “Балет Узбекистана”. Издательство литературы и искусств имени Г.Гуляма, Ташкент, 1973.

либосларига эгадир. Бу рақслар ўзининг мазмуни, зарблари, оҳанглари, ҳаракатлари ҳамда ҳис-туйғулари билан бир-биридан фарқланиб туради.

**Фарғона рақслари.** Ўзбек рақсининг Фарғона мактаби рақс ҳаракатлари ўз шаклларига эга бўлган хореографик образлар тизимидир. Фарғона водийси шаҳарлари ва Тошкент минтақаси рақслари ана шу мактаб рақслари гуруҳига киради.

Фарғона мактаб анъанавий рақслари асосан айлана бўйлаб қурилади, уларда гавда табиий тугилади, елкалар эркин ҳолатда бўлиши билан ажралиб туради. Фарғона мактаби рақслари характерига унча қийин бўлмаган, оёқ бармоқларида ярим туриш орқали бажарилувчи алмашма юришлар, бармоқларга баланд туриш орқали бажарилувчи айланиш – шох, доира бўйлаб айланиш - чарх каби ҳаракатлар хосдир. Бу мактабга мансуб бўлган ўзбек рақсларини ижро этишда оёқ, кўл, тана ва бўйин ҳаракатларининг ҳар бир жиҳати муҳим аҳамият касб этади.

Фарғона мактаби рақсларининг характери гоҳ шўх ва тетик, гоҳ майин ҳаракатли бўлиб, рақс ижроси гавдани бироз олдинга эгиб, нафис тутиш, турли маънони акс этувчи нозик ва чиройли кўл ҳаракатларига асосланади. Бу услуб рақсларида кўллар гўёки ўсимликлар дунёсининг бадий ифодасига айланади.

Фарғонача рақс услубида ички ҳис-ҳаяжон кучли бўлсада, раққоса ўз ҳиссиётларини майин ва босиқ ҳаракатлар ортига, кўз нигоҳи, юздаги имо-ишоралар, кўлларнинг нозик ҳаракати ва аста босилган қадамлар ортига яширган ҳолатда ижро этади.

Фарғона рақс мактаби жуда нозик ва майин бўлганлиги туфайли, унга озгина ўзгартириш ёки ҳаракатлар жўшқинлиги киритилса, бу услуб ўз асл маъно ва мазмунини йўқотади. Бугунги кун рақс санъатининг вазибаларидан бири ана шундай дурдона рақсларни келажак авлодга ўзгармаган ҳолда, мавжуд жозибаси, гўзаллиги ва сермаънолигини сақлаган ҳолатда етказишдан иборатдир.

Фарғона рақс мактабларида сахна либослари нисбатан содда кўринишга эга, аммо бежирим беқасам чопонлари, нозик ранглардаги шойи кўйлаклари, нафис кўриниши ҳамда рангларнинг ўзаро уйғунлиги билан алоҳида ажралиб туради.

**Бухоро рақслари.** Ўзбек халқ рақс услубларидан бири Бухоро рақс мактаби бўлиб, бу гуруҳга Бухоро вилояти рақслари киради. Бу рақслар ҳаракатларнинг мардонаворлиги, шиддатлилиги, қайрилиш ва чархларга бойлиги билан ажралиб туради. Бухоро рақсларида гавданинг елкадан пастки қисми эркин кўйилади, гавданинг мағрур тутилиши барча ҳаракатлар характери билан белгилайди. Бу рақслардаги ҳар бир ҳаракат ўз нуқтасига эга бўлиб, кейинги ҳаракатга қўшилиб кетмайди. Бухоро рақсларида фарғонача рақслар каби кўллар чўзилмайди. Кўл ҳаракатлари аниқ, синувчан, кўп ҳолларда тирсак билан ўткир бурчак ҳосил қилиши мумкин. Одатда барча Бухоро рақслари оёқда тикка турган ҳолда, гоҳ секин, гоҳ сакраш, гоҳ қисқа ўтириб, яна туриб ўйнаш ҳаракатлари билан ижро этилади.

Бухоро рақсларида табиатга тақлид этилмайди, рақслар маълум бир сюжетга асосланмайди, уларда кўпроқ тана ҳаракатлари билан қалб кечинмалари, руҳий ҳолат ифода этилади.

**Хоразм рақслари.** Хоразм рақслари ўзининг шўхлиги, ёрқинлиги ҳамда қувноқлиги билан алоҳида ажралиб туради. Рақсларда кўп ҳаракатлар ўтириш ёки ярим ўтириш ҳолатида ижро этилади ҳамда гавдада букилишлар бўлмайди. Хоразм рақсларида кафтлар бўш кўйилган бўлиб, доим майда силкинишларни бажаради, гавданинг юқори қисмида ҳам силкинишлар мавжуд, рақс характери шўх ва ўйноқчилиги билан томошабинга завқ бағишлайди.

Хоразм рақсларида доира бўйлаб айланишлар учрамайди. Бу рақслардаги оёқ ҳаракатларида кўл ҳаракатлари каби енгил сакрашлар муҳим аҳамиятга эгадир. Хоразм рақсларида қайроқ билан рақс ижро этиш

кенг тарқалган бўлиб, либослар ўзига хос бош кийимлар, пат, занг ҳамда гулбарглар шаклидаги кўкрак тақинчоқлар билан безатилади.

Хоразм рақсларида ўсимликлар дунёси эмас, балки жонзотлар дунёси кўпроқ ўз аксини топади. Хоразм рақсларининг ўзига хос хусусияти шундаки, уларда хўроз, шағалла, тустовук ўйини, балиқ ўйин, эчки ўйин каби иллюстратив ҳаракатлар ҳозирги кунгача сақланиб келган.

## **1.2. Миллий рақс санъатининг илк намоёндалари**

Рақс санъати инсон ҳаётини ва бутун оламни ўрганишнинг бадиий усулидир. Ўзбек халқининг ноёб бойлиги - тенги йўқ, гўзал ва назокатли рақслари мавжуд. Ўзбек рақс санъати ниҳоятда ранг-баранг ва турфа жанрлар, шакллардан иборат бўлиб, ўзининг ажойиб ижро жозибаси, ёрқин ифодавийлиги, мазмуни ва эмоционал таъсир кучи билан алоҳида ажралиб туради.

Ўзбек рақс мактаблари уста-шогирд анъанасида ривожланиб келди, бу усулда рақс санъати янада мукамалроқ ўзлаштирилади. Устоздан рақс санъатининг энг нозик жиҳатларини ўзлаштирган шогирд уста санъаткор кўлида тарбия ҳам олади. Миллий меросимиз ва қадриятларимизнинг шу кунгача етиб келишидаги асосий мезон устоз-шогирд анъанасидир.

Узоқ тарихга эга бўлган ўзбек рақс санъатининг ҳозирги кунгача етиб келиши ва ривожланишида рақс усталарининг ўрни беқиёсдир. Уста санъаткорлар Уста Олим Комилов, Юсуфжон Қизик Шакаржонов, Ота Ҳожи, Муҳиддин Қори Ёқубов, Тамарахонимлар ўзбек маданияти ва рақс санъатининг довуғини бутун дунёга танитдилар.

1926 йилда Давлат кўчма Этнографик труппаси ташкил этилиши муносабати билан унга энг моҳир усталар жалб этилди. Труппага машҳур ўзбек хонандаси Муҳиддин Қориёқубов раҳбарлик қилди. Труппа таркиби Фарғона водийси ва Тошкентнинг энг яхши созандалари Юсуфжон қизик Шакаржонов, Уста Олим Комилов, Абдуқодир Исмоилов, Аҳмаджон



Умурзоков, Тўхтасин Жалилов, Ҳайит охун, Муҳитдинхўжа, Орифжон ва Жўрахон ашулачилар, “Катта ўйин” ижрочилари Худойберди ва Отахўжа, Муҳаммад Бобо ҳожи, раққоса ва ашулачи Тамарахоним ҳамда Муҳиддин Қориёқубовлардан иборат эди.

Атоқли ўзбек хонандаси, опера артисти, санъат арбоби ҳамда ўзбек мусиқали театри асосчиларидан бири бўлган Муҳиддин Қориёқубов 1916 йилда Фарғонада биринчи миллий пуфлама чолғулар оркестрини ташкил этди, 1918-1921 йилларда Ҳамзанинг “Ўлка сиёсий сайёр труппаси”да актёр-хонанда ва режиссёр сифатида фаолият олиб борди. Муҳиддин Қориёқубов Москва Давлат театри санъат институтида ҳам таҳсил олди(1922-1924). 1925 йилда Парижда ўтказилган Жаҳон амалий санъати кўрғазмасида Муҳиддин Қориёқубов ва Тамарахоним иштирок этиб, илк бор жаҳон миқёсида ўзбек кўшиқларини ижро этдилар ҳамда бу нуфузли санъат байрамида махсус мукофот билан тақдирландилар<sup>11</sup>.

Муҳиддин Қориёқубов опера ва балет театрининг ташкил этилишида ҳам фаол иштирок этди ҳамда қатор йиллар шу театрда ижодий фаолият олиб борди. У бутун ҳаётини ўзбек мусиқали театрини, опера ва балет театрини, ўзбек давлат филармониясини ташкил этиш, ўзбек классик мусиқасини тарғиб этиш ва ривожлантиришга бағишлади. Муҳиддин Қориёқубов истеъдодли актёр ва хонанда, концерт ижрочилик ансамблларининг ташкилотчиси сифатида ўзбек миллий санъати ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Ижодий фаолияти XIX асрда бошланган рақс усталари орасида доирачи Уста Олим Комилов алоҳида ўрин эгаллайди. У ўзининг сермахсул ижоди билан ўзбек рақс санъати ривожига улкан ҳисса қўшди. Олим Комилов “Уста” деган шарафли унвонга эга бўлди, у бутун ҳаётини, ижодини халқ санъатига бағишлаган ўзбек халқ санъаткоридир.

---

<sup>11</sup> Шокиров Ў. Ўзбек санъаткорлари. – Т.: 2010, 176- бет.

Оддий аравасоз уста бўлган Уста Олим Комилов санъатга қизиқиши туфайли моҳир доирачи созанда ва рақс устаси сифатида машҳур бўлди. У жаҳоннинг кўплаб давлатларига гастролларда, юртимизда ўтказилган барча тадбир, байрам ва тантаналарда ўз иқтидорини намойиш этган. Уста Олим Комилов бутун ҳаёти давомида ёш ижрочиларга таълим ва тарбия бериб, уларнинг санъат чўққиларига эришишларида йўл кўрсатди.

Ўзбек рақс санъати мактабининг яратилиши ва ривожланишида ўзининг ижодий фаолияти билан алоҳида ўрин тутган Уста Олим Комиловнинг саҳналаштирган рақслари, доира усуллари нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий давлатларда ҳам муваффақият қозонган ва машҳур бўлган. Устоз ўзбек доира ижрочилиги санъатида ўзининг бетакрор ижро услуби билан ном қолдирди ҳамда бугунги замонавий доира ижрочилигининг яқканавоз услубини мукаммал даражада ишлаб чиқди.

Уста Олим Комилов ўзбек рақс санъатидаги турли усулларни маҳорат билан ижро этган, ўзининг бетакрор ижроси билан гўзал ўзбек рақсларига янада жозоба бахш этган санъаткордир. Ўзбек рақсларининг характери ва мазмунини, ўзига хос услубини томошабинларга тўлиқ ҳолда етказиб беришда моҳир созанда Уста Олим Комиловнинг хизматлари беқиёсдир. Устоз “Доира дарси” номли қўлланмани яратиб, рақс санъатини ва доира ижрочилигини ўзлаштиришда бебаҳо бойлик қолдирди.

Уста Олим Комиловнинг ижодий меҳнати, яратган рақслари, тарбиялаб етиштирган рақс ижрочиларининг фаолияти натижасида халқ рақс мероси саҳнавий шаклларда бугунги кунга ҳам етиб келди. Устоз ўзбек халқининг бой рақс меросини мукаммал ўзлаштирди ҳамда ўз шогирдларига ўргатиб келди.

Ўзбек чолғу асбоблари ансамблида доира ва ноғора жуда муҳим аҳамиятга эга, чунки ўзбек муסיқасининг барча турлари аниқ усуллар асосига қурилади. Уста доирачи бўлиш учун ҳар бир санъаткор

музиканинг бирор жанри бўйича мутахассис бўлиши ва шу жанрга хос барча усулларни билиши, ижро эта олиши лозим бўлади. Ўзбек рақслари аниқ ритмлар асосида тузилиб, уларнинг куйи эса раққосларнинг ҳаракатларида янграши керак, ритм рақсда ҳаракатлар яратувчи асос бўлиб хизмат килади. Раққосларга жўр бўлувчи доирачилар ўнлаб усулларни авлоддан - авлодга ўтказиш билан сақлаб келдилар.

Уста Олим бутун умри давомида бир қанча раққосларни тайёрлади, ҳаётини бутунлай санъатга бағишлади. У чойхоналарда, мактаб-интернатларда музика тўғаракларини ташкил этди, ўз билими ва маҳоратини ёшларга ўргатишга ҳаракат қилди. Уста Олим этнографик ансамбль фаолиятида иштирок этди, ўнлаб ўзбек қизларига рақс санъатини ўргатди.

1930 йилда Москвада биринчи Бутуниттифоқ халқ ижоди олимпиадаси ўтказилади, унда барча миллат санъаткорлари иштирок этадилар. Бу олимпиадада Тамарахоним Уста Олим жўрлигида қадим халқ рақси “Садр”ни ижро этади. Рақс шундай катта олқишга сазовор бўладики, марказий газеталар Олим Комиловни доира ижрочиси устаси деб таърифлайдилар <sup>12</sup>.

1931 йилда Ўзбек музикали театри қошида студия очилди. Уста Олим Комилов студияда халқ музика чолғуларида ижро ҳамда ўзбек рақслари бўйича машғулотлар олиб борди, кўп ўтмай Тошкентдаги музика мактабида фаолият бошлади. Москвада ўтказилган ўзбек санъатининг биринчи декадаси арафасида Уста Олим Комиловнинг юздан ортиқ шогирд ва ўқувчилари бор эди. Улар орасида Тўйчи Иноғомов, Ғофур Азимов ва бошқаларни тилга олиш мумкин.

---

<sup>12</sup> Абидов Т. Уста Олим Комилов. Государственное издательство художественной литературы Узбекистана. Ташкент – 1958.

1932 йилда Ўзбекистон ҳукумати Уста Олим Комиловнинг ўзбек миллий санъати ривожига улкан меҳнатини тақдирлаб, унга Меҳнат Қахрамони фахрий унвонини берди.

1935 йилда Тамарахоним, Уста Олим Комилов, Тўхтасин Жалилов ва Абдуқодир Исмоилов Англияга халқаро рақс фестивалига бордилар. Бу фестивалда Уста Олимнинг жўрлигида Тамарахоним “Қари наво” рақсини маҳорат билан ижро этди, улар олтин медаллар билан тақдирландилар. Шунинг алоҳида эътирофи этиш зурурки, рақс санъати бўйича ўтказилган ушбу фестивалда Уста Олим Комилов моҳир созанда сифатида алоҳида олтин медалга сазовор бўлди.

1937 йилда Москва декадасида ўзбек санъатини Уста Олим Комилов, Тамарахоним, Муҳиддин Қори Ёқубов, Ятим Бобожонов, Ҳалима Носирова, Сора Эшонтўраева, Маннон Уйғур, Лутфихоним Саримсоқова каби республиканинг уста санъаткорлари муваффақият билан намойиш этдилар.

Уста Олим Тамарахоним билан ҳамкорликда Экспериментал мусиқий-драматик театр қошида студия ташкил этидилар ва ёшларга халқ рақслари ҳамда миллий чолғуларда ижро бўйича машғулотлар ташкил этидилар. Уста Олим ва Тамарахоним “Катта ўйин” рақсини қайтадан тикладилар. Устоз “Гул ўйин” нинг ҳаракатлари ва ритм усулларини асос қилиб, сюитадан янги бир қувнок, ҳаяжонли рақс яратди ва уни “Гул ўйин” деб атади. Уста Олим ва Тамарахоним студия учун ўзбек рақслари “дарс”ларини яратиб, унга “Катта ўйин”ни ҳам киритдилар<sup>13</sup>.

Қисқа муддат ичида Ўзбекистон сахналарида халқ рақсларининг “Қари наво”, “Кема ўйин” каби энг яхши намуналари, лапарлар, ялла ва кўшиқлар, турли жанрли рақслар пайдо бўлди, қадимий анъанавий рақсларга янги мазмун бериб ижро этила бошланди.

---

<sup>13</sup> Абидов Т. Уста Олим Комилов. Государственное издательство художественной литературы Узбекистана. Ташкент – 1958.

Тамарахоним ва Уста Олим ижодий ҳамкорлиги натижасида янги тўлақонли сюиталар, янги рақслар, янги ҳаракатлар яратилди, тинмай ишлаш натижасида мавзули ва сюжетли рақс сахналари яратишга ҳам имкон туғилди.

1932 йилда Уста Олим ва Тамарахоним “Уйғониш” мавзусида биринчи рақс монтажини сахнага олиб чиқдилар. Монтаж бир неча оммавий ва якка рақслардан тузилган бўлиб, рақс спектакли “Муножат” оммавий рақси билан бошланган.

Уста Олим ва Тамарахоним ижоди ўзбек рақс санъатининг халқчил анъаналари асосига қурилгани ва уларнинг халқ орасидаги катта шухрати ўзбек хореографиясини ўша вақтдаги турли оқимлар таъсиридан сақлаб қолишга сабаб бўлди. Уста Олим ва Тамарахоним санъатда янги йўлни изладилар, бу йўлни эса ўтмиш санъатимиз анъаналарига суянган ҳолда яратдилар.

1939 йилда Тамарахоним “Гуландом” балетини сахнага қўйишга киришди, балет постановкасида Уста Олим ҳам иштирок этди. Устоз “Фарҳод ва Ширин” ҳамда “Гулсара” спектакллари, биринчи ўзбек миллий операси - “Бўрон” учун рақслар сахналаштирди. Устоз санъаткор тинимсиз ижод билан шуғулланиб, яна бир ўзбек операси - “Буюк канал” учун ҳам рақслар яратди, И.Рославецнинг “Пахта” ва Ф.Талнинг “Шоҳида” балетларини сахналаштиришда фаол иштирок этди. Уста Олим “Тантана” номли хореографик композицияни яратди, бу композиция мусиқачи ижрочилар ва раққосалар репертуаридан ўрин олди.

Уста Олим Комилов Тамарахоним ва Мукаррама Турғунбоева билан ҳамкорликда “Доира дарси” номли қўлланмани яратдилар. “Доира дарси” ўзбек рақсининг турли усулларини ўзлаштириш учун хизмат қилади. Ҳозирги кунгача бу қўлланмадан ёш доирачилар ҳам, раққосалар ҳам дарслик сифатида унумли фойдаланиб келмоқдалар.

Уста санъаткор нафақат моҳир ижрочи, рақс санъатининг билимдони, балки маҳоратли устоз ҳам бўлган. Унинг шогирдларидан кўплари кейинчалик республиканинг турли театрларида хизмат қилдилар, чет элларда ўзбек санъатини намойиш этдилар. Улардан Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Гавҳар Раҳимова, Галия Измайлова, Гулнора Маваева, Уста Олимнинг кизи Ҳалима Комилова ва бошқа ўнлаб раққосаларнинг номини тилга олиш мумкин.

Тамарахонимнинг ижодий йўли ўзбек саҳна санъати тараққиётининг энг муҳим босқичлари билан уйғундир. Тамарахоним устози моҳир созанда Уста Олим Комилов билан ҳамкорликда биринчи оммавий ўзбек рақсларини, озод меҳнатга бағишланган ўйинларни, биринчи рақс монтажларини яратди ва бу рақслар кейинчалик миллий балет яратишда асос бўлди. Ўзбек рақс усуллариининг ажойиб устаси, Ўзбекистон халқ артисти Уста Олим Комилов жуда кўп рақсларни ёдида сақлаб келди, шогирди Тамарахоним эса бу рақсларни саҳнага олиб чиқди.

**Тамарахоним** 1906 йилда Фарғона яқинидаги Горчаковода арман оиласида дунёга келди. У ёшлигидан санъаткорларнинг чиқишларини томоша қилар, ўзи куйлаб, рақс тушар эди. 12 ёшидан бошлаб уни оилавий тадбир ва тўйларга таклиф эта бошладилар.

Ўзбекистонда туғилиб, шу заминда улғайган Тамарахоним 1918 йилдан агитбригада таркибида концертларда иштирок эта бошлади, 1921 йилда Тошкент балет труппасига кирди, ўзбек кўшиқ ва рақс ансамблларида ўз санъатини намойиш этди. 1922 йилда Муҳиддин Қори Ёқубов ансамбли билан гастроль сафарларида иштирок этди.

1924 йилда Тамарахоним Москвадаги театр техникумининг хореография бўлимига ўқишга кирди ва концертларда иштирок этиб, тезда томошабинлар орасида ўзбек раққосаси сифатида машҳур бўлди. Тамарахоним халқ рақси меросини ўзлаштириб, қадимги нозик ва нафис рақсларни янги хусусият ва мазмун билан бойитди.

1925-1929 йилларда Тамарахоним Қўқон, Андижон, Самарқанд театрларида қатор ролларни ижро этди, 1929-1934 йилларда Самарқандда Ўзбек Давлат мусиқали театрида, 1934-1935 йилларда Хоразм театрида раққоса, кўшиқчи ва драма артисти сифатида фаолият олиб борди.

1930 йили Москвада ўтказилган Бутуниттифоқ санъат Олимпиадасида Тамарахоним ўзини нафақат моҳир раққоса, истеъдод соҳибаси, балки қобилиятли балетмейстер сифатида ҳам намоён этди.

1932 йили Тамарахоним Ўзбекистон халқ санъати Олимпиадаси учун устози Уста Олим Комилов раҳбарлигида оммавий ва яққа рақс дастурини тайёрлади. Қадимий халқ мақоми асосида тайёрланган “Пилла” рақси ўзбек аёлларининг янги ҳаётини акс этувчи замонавий мавзудаги рақс бўлди.

Тамарахоним 1936-1941 йилларда Ўзбек Давлат Филармониясида, Ўзбек Давлат мусиқали театрида раққоса ва балетмейстер сифатида фаолият олиб борди. У устози Уста Олим Комилов билан биргаликда ўзбек рақсларини саҳналаштириб, янги замонавий рақслар яратди, биринчи ўзбек балетларини саҳналаштиришда фаол иштирок этди.

Халқ рақси ва кўшиқларига катта муҳаббат, изланиш иштиёқи, ижро санъатини янги топилмалар билан бойитиш мақсади Тамарахонимни ўзига хос маданиятга эга бўлган қадимий Хоразмнинг ўлкасига йўллади. Хоразм санъатининг мислсиз нозик қирраларини ўзлаштириш учун халқнинг феъл-атвори, тарихи, тили, мусиқаси ва анъаналарини чуқур ўрганиш зарур эди. Тамарахоним қадимий ва абадий навқирон Хоразм санъатини ўрганишга бир неча йил сарфлади ҳамда Хоразм ашула-рақс томошаларини ўзига хос талқинини намоёниш этди.

Тамарахоним ўз репертуарига байналминал кўшиқ ва рақсларни киритиб, уларни ўзбек фольклорининг “ялла” жанр қоидаларига мувофиқ яққохоннинг жўрлик (хор) билан ўзаро сўзлашуви шаклига бўйсиндира олди. Икки хонанданинг ўзаро мулоқотига асосланган

“лапар”ни ҳам янгича талқин этди, уларни якка ижро талқинига мослаштириб, ўйин элементлари билан тўлдирди ҳамда рақс қисмини кенгайтириб ривожлантирди. Тамарахоним ижросида лапар жанрининг драматургик моҳияти янада ёрқинроқ намоён бўлди.

Тамарахоним ўз ижодида жаҳоннинг 86 миллати кўшиқ ва рақсларини жамлади. Актриса ҳар бир номер устида ишлаш жараёнида ўша халқнинг турмуш тарзи, санъати, удум ва анъаналари, маданияти, ёқтирган ранглар палитраси ҳақида маълумотлар тўплади. Тамарахоним шахсида раққоса, балетмейстер, артист, пардозчи, режиссёр, либос дизайнери, тикувчи, халқ фольклори терувчиси мужассам этилган. Актриса кўшиқ ва рақслар, афсона ва куйларни ёзиб олиб, ўзга халқ чолғуларида чалишни ҳам ўрганди.

Тамарахоним яратган ёрқин рақсларнинг сахнавий образ доираси, уларнинг ифодавий ва бадиийлик томонини ёритишда санъаткорнинг юксак дид билан сахнага олиб чиққан либосларнинг аҳамияти каттадир. Тамарахоним ҳаёти давомида яратган рақс либослари мисолида унинг раққоса ҳам хонанда, режиссёр ва балетмейстер, пардозчи ва тикувчи, лингвист ва этнограф каби серқирра ҳамда универсал истеъдоди намоён бўлади.

Юқори дид ва ижрочилик салоҳияти, миллий ва жаҳон халқлари рақсларнинг табиати, жанр, услубий ва тавсифий томонларини чуқур ҳис ва идрок қилиш қобилияти Тамарахоним ижодининг бетакрорлигини таъминлади.

Тамарахоним ижро этган кўшиқ ва лапарлари халқчиллиги, ёқимлилиги билан, рақслари эса ўта нафислиги ва шўхчанлиги билан алоҳида ажралиб туради. Раққоса Шарқ мамлакатларида ижодий сафарларда бўлиб, ўзининг репертуарини тинмай бойитиб борди. Тамарахонимнинг репертуаридаги турли халқларнинг кўшиқ ва рақсларида халқлар дўстлиги, озодлиги ва тинчлиги мавзулари мустаҳкам ўрин олган



эди. Уста санъаткор Тамарахонимнинг ижоди миллатлараро дўстликни мустаҳкамлашда бениҳоят улкан ўрин эгаллаган.

Тамарахоним ўзбек санъатини юртимизда ва хорижда юксак маҳорат билан намойиш этган. Ўзининг серқирра ва гўзал санъати, дилбар кўшиқ ва лапарлари, ёқимли рақслари билан дунё халқларини мафтун этган, чет элларда “Шарқ марвариди” номини олган Тамарахоним Давлат мукофоти(1941й.), “Ўзбекистон халқ артисти” (1932й.), “Халқ артисти”(1956 й.) унвонлари билан тақдирланди.

Ўзбек рақс санъати ривожига катта ҳисса қўшган ажойиб раққоса, балетмейстер, ўзбек сахна рақсининг асосчиси **Мукаррама Турғунбоевадир.** У болалигидан рақс санъатига ниҳоятда қизиқди, театрда ижод қилишни орзу қилди. Шу ниятларини амалга ошириш мақсадида Мукаррам Турғунбоева Фарғона педагогика билим юртига ўқишга кирди, шу ерда ашула ва рақс ҳаваскорлик тўғарагига қатнашиб келди. Уста Олим Комилов Мукаррама Турғунбоева учун ҳақиқий устоз ва ота бўлди, уни оиласида ўз қизидек тарбиялади.

Уста Олим Комилов Мукаррамга устозлик қилиб, унга ўзбек рақс санъати сирларини, унинг қонуниятларни ўргатади ва Мукаррама 1929 йилда Экспериментал мусиқали драма театрига ишга қабул қилинади. Раққоса 1929-1933 йиллар давомида театр актрисаси ҳамда театр қошида ташкил этилган студияда тингловчи сифатида фаолият олиб бориб, халқ рақси, мумтоз рақс, ашула, актёр ижрочилиги асосларини чуқур ўрганади. Олган профессионал билимлари унга рақс санъатида чинакам халқ йўлини яратишига ёрдам берди.

Мукаррама театрда фаолият олиб борган даврда Зебо, Осиё (У.Ҳожибеков, “Аршин мол олон”), Ойниса, Холжон хола (Ғ.Зафарий, “Ҳалима”), Асалхон (К.Яшин, “Ичкарида”) каби ролларни маҳорат билан ижро этади. Бу давр рақс маҳоратини ошириш, мумтоз рақсларни пухта ўрганиш, янги рақсларни ижод этишни ўрганиш йиллари бўлди.

Мукаррама Уста Олим Комилов ва Тамарахонимнинг махсус рақс машғулотларида қатнашиб, миллий рақс асосларини ҳамда “Дучава”, “Катта ўйин”, “Усмония”, “Садр” каби умумий рақсларни, “Дилхирож” якка рақсини ўзлаштиради, уларни ўзига хос услубда ижро эта бошлайди.

Мукаррама Турғунбоева хореография мактабида ўқитувчилик фаолиятини бошлаган даврларида янги рақслар яратишга ҳам киришди. У халқ ўйинларининг сахна вариантларини яратишда уларни янги ҳаракатлар, ёрқин ҳис-туйғулар билан бойитди ва бир нечта Хоразм, Бухоро, Фарғона ва Памир оммавий рақсларини яратди.

Мукаррама Турғунбоева халқ ижодини ўрганиш асосида замонавий ҳаётни акс эттирувчи мавзули ва сюжетли рақсларни ижод қилган. Уста Олим Комилов билан ҳамкорликда Мукаррама Турғунбоева “Пахта” рақсини яратди. Бу рақс ҳаётийлиги билан алоҳида ажралиб туради. У тўрт қисмдандан иборат бўлиб, халқ чолғу ансамбли ва доира усуллари жўрлигида ижро этилади.

1943 йилда Мукаррама Турғунбоева Уста Олим ва Тамарахоним ижод этган “Пилла” рақсининг янги вариантини яратди, кейинчалик “Пилла” рақсидаги турли элементлардан фойдаланиб, бир қанча янги ўйинларни ҳам сахналаштирди. “Пилла” ва “Пахта” рақслари ўзбек хореографиясида меҳнат мавзусидаги энг ёрқин рақслар сифатида тан олинади <sup>14</sup>.

Мукаррама Турғунбоева ижодида ўзбек профессионал рақси ўзининг юқори босқичига эришди. Унинг рақслари соддалиги, оддийлиги билан ўзига мафтун этиб, халқ юрагидан чуқур ўрин олган. Мукаррама Турғунбоева ўзбек профоссионал рақслари ижросида инсоннинг гўзал туйғулари, кучли кечинмалари ва теран ўй-фикрларини акс эттира олган. У “Гулсара” мусиқали драмасидаги рақсларни ва “Жонон”, “Ғайратли қиз” каби рақсларни яратиш ҳамда ижро этишда ўзбек профессионал рақс кадриятларини давом этдириб, уларни янги мазмун билан бойитди.

---

<sup>14</sup> Хамраева Г. Рақсининг миллий қиёфаси. Т.: 2012. 113- бет.

Мукаррама Турғунбоева ижросидаги рақсларда ўзбек аёлларига хос бўлган ибo-ҳаё, майинлик ва нафис туйғулар ўз ифодасини топган, уларда раққосанинг ички маданияти, юксак бадий диди намоён бўлган.

Мукаррама Турғунбоева яратган рақсларнинг энг нодир — “Тановар” бўлиб, уни яратишда халқнинг севимли кўшиғи “Қора соч” асос бўлди. “Тановар” — Мукаррама Турғунбоеванинг энг миллий, энг ўзига хос, энг нозик асари ҳисобланади. Раққоса ижросидаги ўзига хос услуб ва ички кечинмалар талқини “Тановар” рақси Мукаррама Турғунбоева ижодининг энг юқори чўққиси бўлди. Бу рақс ўзбек аёлининг ҳаётдаги бахт-саодат ҳақидаги орзулари ва ички ҳис-туйғуларини, соғинч, умид, ибo, ҳижрон ва изтиробларини ўзида мужассам этади. Мукаррама Турғунбоева ижросидаги “Тановар” рақс саҳнаси кайфиятнинг ёрқин очиб берилиши, лирик қаҳрамон образининг аниқ намоён қилиниши билан бошқа рақслардан ажралиб туради.

1955 йили Мукаррама Турғунбоева ўзи фаолият олиб бораётган Тошкент хореография билим юрти қизларидан 12 тасини ажратиб олиб, раққосалар гуруҳини ташкил қилади. 1957 йили шу гуруҳ асосида “Баҳор” ўзбек қизлар рақс ансамбли бунёдга келади. Мукаррама Турғунбоева Навоий номидаги опера ва балет театрида балетмейстерлик қилиш билан бирга “Баҳор” ансамблида бадий раҳбар, бош балетмейстер вазифаларида фаолият кўрсатади. Бу ансамблда Мукаррама Турғунбоева ўзбек халқ рақсларини саҳнага кўйиш ва замонавий ўзбек рақсларининг янги шакллари яратиш соҳасидаги фаолиятини давом эттиради.

“Баҳор” рақс ансамбль репертуарида бошқа халқларнинг рақслари ҳам ўрин олди, ансамбль раққосалари уларни маҳорат билан ижро этиб келдилар ва ўзбек рақс санъатини бутун дунёга машҳур қилдилар.

Мукаррама Турғунбоеванинг юксак профессионал маҳоратга эга санъаткор бўлиб етишишида атоқли устоз Уста Олим Комилов, ажойиб раққос ва артист Юсуфжон қизиқ Шакаржонов ҳамда Тамарахонимнинг

хизматлари каттадир. Улар раҳбарлигида олган барча профессионал билимлар Мукаррама Турғунбоеванинг рақс санъатида чинакам халқ йўлини яратишига ёрдам берди, юксак маҳоратли рақсларни ижод қилишга имкон берди. Мукаррама Турғунбоева ўзбек сахна рақсининг типик, шу билан бирга индивидуал, чинакамига халқ услубини яратди<sup>15</sup>. Санъаткор ўзининг рақс пластикаси билан мутлақо янги рақс, Шарқ аёлининг янги характерини яратди.

Мукаррама Турғунбоева ижросидаги ўзбек профоссионал рақсларида инсоннинг чексиз туйғулари, ғоят кучли кечинмалари ва теран ўй-фикрлари ўз аксини топган. Раққоса ижодида ҳақиқий бадий шаклга эга бўлган меҳнат ва турмушдан олинган рақсларнинг ҳаракатлари, халқ ўйинларидаги ҳаракатларнинг жонлантирилган образлари намоён бўлди. Мукаррама Турғунбоева ўзбек сахна рақсининг типик, шу билан бирга индивидуал, чинакамига халқ услубини яратди.

Мукаррама Турғунбоева Уста Олим Комилов ва Тамарахоним яратган нодир санъат дурдоналарини умр бўйи авайлаб келди ҳамда профессионал рақс санъатида мерос сифатида қолдирди.

## **II БОБ. “ЎЗБЕК ХОРЕОГРАФИЯ САНЪАТИНИ ИЛМИЙ ЎРГАНИШДА РАҚСШУНОС ОЛИМ ВА ПЕДАГОГЛАРНИНГ ЎРНИ”**

---

<sup>15</sup> Авдеева Л. Мукаррама Турғунбоеванинг рақси. Т.1989. 12-бет.

## **2.1. Санъатшунослик институти театр ва хореография бўлимида рақс санъатининг илмий ўрганилиши**

Рақс санъатини илмий-назарий ўрганиш, унинг таракқиёти ва истиқболи масалаларини таҳлил этиш санъатшунослик илмида долзарб мавзу ҳисобланади. Ўзбекистон санъатшунослиги санъатнинг барча турларини қамраб олган ижтимоий-гуманитар фанлар мажмуи бўлиб, театршунослик, киношунослик, рақсшунослик, мусикашунослик, шунингдек, амалий санъат беагаи, тасвирий санъат, меъморлик санъати назарияси ва тарихини ўз ичига олади. Ўзбек санъатшунослик фани ХХ асрда тартибга солиниб, тармоқларга ажратила бошланди. Дастлаб театр санъати ривожланиши асосида театршунослик назариясининг ишлаб чиқилиши кўп санъат турларининг ихтисослашуви учун замин яратди.

Ўзбекистонда 1928 йилда М.Қориёкубов ташаббуси билан “Хореография ва мусика” институти ташкил этилиб, кейинчалик Санъатшунослик илмий тадқиқот институти деб номланди. Ушбу институт аввал Самаркандда, кейин эса Тошкентда фаолият олиб бориб, ўзбек рақс меросини илмий ўрганиш ишларини бошлади.

Санъатшунослик илмий тадқиқот институтининг “Театр ва хореография” бўлими М.П. Верхацкий томонидан 1938 — 1939 йилларда ташкил этилди. Институтнинг “Театр ва хореография” бўлимида А.Э.Левитин, З.Соронбаева, В.Е.Хорол, А.Хўжаева ва М.П.Верхацкий фаолият олиб борадилар, рақсшунослик бўйича эса И.Бахта 40-йилларнинг охиригача шуғулланади. 50-йиллар бошида “Театр ва хореография” бўлимида Л.А.Авдеева, В.П.Дьяченко ва Я.С.Фельдман ўз илмий фаолиятларини бошлайдилар.

Ленинградлик олима-этнограф И.Г.Бахта 1930-1940 йиллар мобайнида таниқли ўзбек мусикашуноси Е.Е.Романовская билан Фарғона рақс мактабининг “Катта ўйин” рақс туркумини ёзиб оладилар. Ўзбек хореографиясининг буюк усталари Уста Олим Комилов ва Юсуфжон

қизиқ Шакаржонов услублари асосида талқин этилган “Катта ўйин” ҳам нотага олинади.

И.Бахта ўзбек рақсларини ўрганиш жараёнида ўзбек санъатида оддий халққа хос ўйин-рақслар билан бир каторда юксак савиядаги рақс маданияти ҳам мавжудлигини тушунади. Рақс санъати сирлари авлоддан-авлодга ўтиб, ўзига хос тизимда сақланиб келаётганлиги унинг қизиқишини янада орттиради. Бунда формула-усуллардан таркиб топган мақом рақслари алоҳида аҳамият касб этади.

“Ўзбек профессионал рақслари тузилиши жиҳатидан Марказий Осиё мақом туркумларига мос келади. Ўта аниқлик билан ишлаб чиқилган рақс туркумларини қадимги раққосалар “Мақомлар” деб атаганлар. Фарғона водийсида улар элликта (айрим ривоятларга кўра 250 та) усул, ўзига хос ритмик формулалар, шунга мувофиқ рақс жумлаларидан тузилган “Катта ўйин” номи билан юритилар эди”<sup>16</sup>.

Бухорода рақс туркумлари “Мақом рақси” деб аталиб, улар йирик бўлимларга бирлаштирилган куй-ашула-усул қисмларидан иборат бўлган. Хоразмнинг “Мақом уфори”си ҳам ана шундай тузилган.

Фарғона, Бухоро, Хоразм рақс мақомларининг ҳар бири усул-куй ва ҳаракатли ифодалар жиҳатидан ўзига хос, бетакрорлиги ҳақидаги маълумотларни И.Бахта дастлаб ўзбек шоири ва драматурги Ғулом Зафарийдан олди. Шаҳарнинг энг маърифатли кишиси сифатида танилган Ғ.Зафарий халқ ва устозона рақсларнинг сюжетларини дастлаб араб ёзувида, сўнг кирилл ёзувида қоғозга туширади. Ушбу намуналардан И. Бахта нусха кўчириб, ижодий сафари бўйича ҳисоботига илова қилади. Ҳозирда Ғ.Зафарий дастхати билан ёзилган нусха Санъатшунослик институти архивида сақланмоқда.

Ираида Бахта ўзбек рақсини биринчилар қаторида ўрганиб, илмий асарлар яратди. Унинг “Ўзбек рақси”, “Катта ўйин”, “Ўзбек

---

<sup>16</sup> Авдеева Л. Ўзбек рақсшунослига тарихидан бир лавҳа. Санъатшунослик масалалари. – Тошкент, 1998, 161- бет.

хореографиясининг шаклланиши”, “Татарча рақс” асарлари ҳамда кўплаб илмий маърузалари, китоб - макет, фото ва ноталари институт архивида сақланиб келмоқда.

“Театр, хореография ва кино” бўлимига 1961 йилдан бошлаб санъатшунослик фанлари номзоди М.Р.Раҳмонов бошчилик қилди. Айнан шу йилдан бошлаб бўлимга А.М.Рыбник, М.Х.Қодиров, Ж.Т.Тешабоев, кейинроқ Х.Н.Абулқосимова, А.Ҳасанов ва Х.И.Акбаровлар қабул қилинди. Кейинчалик бўлим театршунослар Т.Т.Турсунов, Э.Ф.Исмоилов, А.Э.Стендаль ва таниқли раққоса Р.З.Каримова ҳисобига кенгайди.

Ўзбек рақсшунослиги илмининг ривожига **Любовь Авдеева** катта ҳисса қўшган олима сифатида эътироф этилади. Любовь Авдееванинг илмий изланишлари “Тамарахоним”, “Мукаррама Турғунбоеванинг рақси”, “Ўзбекистон рақс санъати”, “Балет Узбекистана” ва бошқа асарларида ўз аксини топди.

Л.Авдеева ўзининг “Ўзбек миллий рақси тарихидан”<sup>17</sup> китобида миллий рақс санъатининг ибтидоий даврдан то бугунги кунга қадар ривожланиш жараёнини кўрсатиб берди. Муаллиф ўзбек миллий рақс санъатининг нодир намуналарини таҳлил қилиб, унинг ижрочилари ҳақида атрофлича маълумот берди. Олима бу тадқиқотида ўзбек миллий рақс санъатининг тарихини жамлаб, унинг босиб ўтган йўли ҳақидаги барча маълумотларни қелтирган.

Китоб икки тилда нашр этирилган бўлиб, “Танцевальное искусство Узбекистана”<sup>18</sup> унинг рус тилидаги нашри ҳисобланади.

Л.Авдееванинг “Танец Мукаррам Турғунбоевой”<sup>19</sup> монографияси таниқли раққоса М.Турғунбоеванинг ижодий фаолиятини ёритишга қаратилган. Олима ушбу ўқув қўлланмада М.Турғунбоева ижро этган барча рақсларни таҳлил этиб, раққосанинг ижодий йўли ва биографияси

---

<sup>17</sup> Авдеева Л. Ўзбек миллий рақси тарихидан. – Тошкент: “Ўзбекрақс бирлашмаси”, 2001, 284 бет.

<sup>18</sup> Авдеева Л. Танцевальное искусство Узбекистана. – Ташкент: ГИХЛ, 1963, стр.190.

<sup>19</sup> Авдеева Л. Танец Мукаррам Турғунбоевой – Тошкент, Ғофур Фулом номидаги нашриёт, 1989, 47 бет.

ҳақида маълумотлар келтирган. Шу билан бирга, ўқув қўлланмага моҳир раққоса М.Турғунбоева ижро этган рақсларнинг таҳлили, уларнинг назарий асоси, фото жамламалар ва рақснинг мазмун матни (либретто) ҳам киритилган.

Рақсшунослик йўналишида олиб борилган илмий тадқиқот ишларида миллий рақсларнинг сахнавий талқини масаласига ҳам эътибор қаратилган. Бу борада Л.Авдееванинг “Традиции и новаторство в узбекской хореографии”<sup>20</sup> номзодлик диссертациясини тилга олиш зарурдир. Унда ўзбек хореография санъатининг анъана ва қадриятлари ҳақида таҳлилий маълумотлар берилган.

Л.Авдееванинг Ўзбекистон балетининг тарихини,ўзига хослигини ўрганишдаги олиб борган илмий изланишлари унинг “Балет Узбекистана” (1953-1966 й.й.) қўлёзмасида ўз аксини топган. Олима Ўзбекистон балетини ўрганиш жараёнида соҳа бўйича материалларни жамлаб, Алишер Навоий номидаги Давлат Академик Катта театрининг репертуарида ўрин олган спектакллар таҳлилига бағишлади. Мазкур илмий иш фото жамланма билан бойитилиб, унга 1953 йилдан 1966 йилга қадар театр репертуарида мавжуд бўлган балет спектаклларининг фото лавҳалари ҳам киритилди.

Л.Авдееванинг рақс санъатини ўрганиш борасидаги яна бир тадқиқоти ЎзРФА Санъатшунослик институтининг архив фондида Т(М)А19 № 594 рақами остида сақланувчи рақсшунослик илмига доир материалдир. У олиманинг “Анна Каренина”, “Севги қиличи” балет спектаклидаги ютуқ ва камчиликлар”, “Сухайл ва Меҳри”, “Севги тумори”, “Хореограф балет спектаклининг принципи”, “Тановар” каби турли ҳажм ва йўналишдаги материалларининг жамламасидан иборат.

Муаллифнинг мазкур қўлламанмасида халқ дostonларининг илдизлари жуда қадим замонларга бориб тақалиши борасида мулоҳазали

---

<sup>20</sup> Автореферат дисс. на соиск. канд. иск. – Ташкент, 1965, стр.19.



фикрлар берилган. Л.Авдеева ўзбек халқ дostonчилиги ва унинг театр сахнасида қандай жозоба касб этганлигини пухта ўрганиб чиқди. Халқ дostonлари асосида яратилган спектакллар опера ва балет театрининг сахнасида янги ва ниҳоятда жўшқин фаолиятини давом эттирди. Халқ дostonларининг маҳобати, романтик, кўтаринки кайфиятга мойиллиги раққосларни шу йўналишда шакллантиришда катта аҳамият касб этди. Миллий ижрочиликнинг бу табиий аломати рақс санъати шаклланишида қаҳрамонона-романтик йўналишга мос тушди. “Томарис”, “Спартак”, “Меҳри ва Сухайл” каби дostonларнинг балет рақсларида жонланиши томошабинларнинг театрга қизиқишини оширди.

Л.Авдеева “Тамара Хоним” фото жамламасида Тамарахонимнинг ижодий йўлини ёритувчи фото суратларни тўплаган ҳамда уларнинг ҳар бирини шарҳлаб, илмий таҳлил этган.

Любовь Авдеева “Театр ва хореография” бўлимида катта илмий ходим сифатида самарали фаолият олиб борди, у санъатшунослик фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвонига сазовор бўлган. Л.Авдееванинг “Халқ артисти Тамара Хоним” (1959), “Мукаррам Турғунбоева” (1957), “Ўзбекистон рақс санъати” (1960), “Бернара Қориева” (1973), “Ўзбекистон балети” (1973), “Галия Измайлова” (1975), “Мукаррам Турғунбоеванинг рақси” (1989) сингари китоблари ва рақс санъатига доир илмий маърузалари ҳамда қўлёзмалари ҳозирги кунда ёш санъаткор ва изланувчилар учун илмий манба бўлиб келмоқда.

Л.А.Авдеева 1987-1992 йиллар мобайнида Ўзбекистон театр арбоблари уюшмасининг хореография бўйича котиби, “Ўзбекрақс” бирлашмаси бошқарув кенгашининг аъзоси ҳамда бебаҳо маслаҳатчиси сифатида фаолият олиб борди.

Рақсшунос олима Любовь Александровна Авдеева ўзбек хореография санъатининг нафақат тарихчиси, балки санъат соҳасининг назариячиси ва танқидчиси сифатида катта илмий мерос қолдирди.

Рақсшунослик илмига рақс санъати орқали кириб келган ўзбек балет актрисаси, Ўзбекистон халқ артисти **Розия Каримова** 1916 йилда Қозон шаҳрида таваллуд топди. Мактабни битиргач, тиббиёт техникумининг тайёрлов бўлимига ўқишга кирди. 1929 йилда Муҳиддин Қориёқубовнинг Самарқанддаги студиясига танлаб олинди. Шу даврдан бошлаб Розия Каримова ҳаётини санъат билан боғлади.

Профессионал санъатни ўрганишда унга ўзбек санъатининг асосчилари Уста Олим Комилов, Тамарахоним, Бегимхон Комилова, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов устозлик қилдилар. Розия студияда ўқиш билан биргаликда М.Қориёқубов труппасида ишлай бошлади, 1930 йилда ўқишни муваффақиятли тугатиб, Ўзбек давлат мусиқали театрида фаолият олиб борди.

Розия Каримова 1936 йилдан Тошкентда Ўзбек давлат филармониясида, кейинроқ А.Навоий номидаги театрда, 1939 йилдан эса Муқимий номидаги мусиқали драма ва комедия театрида фаолият юритиб келди. У турли спектаклларда лирик ва қаҳрамонлик характеридаги рақсларни ижро этиш билан бирга, яккахон солист-хонанда, драматик образ ижроси сифатида ҳам намоён бўлди.

Розия Каримова маҳоратли раққоса бўлиши билан бирга тафаккури бой, фикрлаш дунёси чуқур эканлигини ҳам кўрсатди, ўз ишининг устаси, касбининг фидойиси сифатида танилди ва кадр топди. У раққосалик ижодини балетмейстерлик ва устозлик фаолияти билан боғлади. Рақс тилини тушуниш эса уни рақсшунослик фанига олиб келди.

Маҳоратли раққоса, балетмейстер, педагог Розия Каримова ўзининг кўп йиллик изланишлари, тўплаган ижодий тажрибасини рақсшунослик илмида намоён этди. Раққоса сифатидаги тажриба ва маҳорат Розия Каримовага назарий асосни ўзлаштиришда ёрдам берди.

Олиманинг илмий изланишлари объекти ўзбек миллий рақсига хос услублар ва йўналишлар, рақс ҳатти-ҳаракатлари, либослардаги ўзига хослик каби масалалар таҳлилидан иборатдир.

Санъатшунослик институтида илмий-амалий фаолиятини 1962 йилдан бошлаган Розия Каримова ўзбек рақс ҳаракатларини аниқлаш, тизимга солиш ва ёзиб олиш билан жиддий шуғуллана бошлади. Ўзбек рақсларида оёқ ва қўл ҳаракатлари, гавда ҳолатлари кўп ва ранг-баранг бўлгани сабабли, муайян бир тизим яратиш зарур эди. Розия Каримованинг илмий предмети ҳам ўзбек миллий рақсидаги услуб ва йўналишлар, ўзига хос ҳатти-ҳаракатлар таҳлилидан иборат бўлди. У дастлаб рақс санъатидаги қоидалар ва ҳаракатларни белгилаб чиқди, Любовь Авдеева билан бирга жаҳон тажрибасига таяниб, рақсларни нота ёзуви, рамзий шаклларда ёзиб олишга киришди. Любовь Авдеева ва Розия Каримова ҳамкорлиги натижасида рақсни илмий ўрганиш жараёни жонланди.

Розия Каримова балетдаги позицияларга таянган ҳолда энг муҳим бош ҳолатлари, гавда ҳолатлари, қўл ҳаракатлари, қўлдаста ҳолатлари ва оёқ ҳолатларини белгилаб олади ва уларни амалий машғулотларда синаб кўради. Шу асосда олиманинг “Фарғона рақси”(1973 й.), “Хоразм рақси” (1975 й.) ва “Бухоро рақси” (1977 й.) номли қўлланмалари яратилади. Р.Каримова ижодининг ўзига хос хусусияти шундан иборат бўлдики, олима Ўзбекистондаги катор ҳудудларнинг минтақавий рақсларини ўрганиб чиқди ҳамда уларни таҳлил этди.

Розия Каримованинг илмий-амалий тажрибалари асосида яратилган яна бир ўқув қўлланма “Доира зарбларига машғулотлар” бўлиб, ҳозирги кунда раққос ва раққосалар, талабалар ҳамда рақс санъати соҳасида илмий изланиш олиб боровчилар учун назарий манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Р.Каримованинг “Бухарский танец”<sup>21</sup> (“Бухоро рақс мактаби”) китобида анъанавий Бухоро рақс мактабига хос маълумотлар ҳамда ушбу

---

<sup>21</sup> Каримова Р. Бухарский танец. — Ташкент:Изд. лит.и иск. им. Г.Гуляма, 1977, стр.125.

рақс мактаби моҳир усталарининг ижролари таҳлил этилган. Олима ўқув қўлланмада Бухоро рақс мактабининг ўзига хослигини, ушбу рақсларни ижро этиш технологиясини ҳам кўрсатиб берган. Бухоро рақсларидаги ҳаракатлар кетма-кетлиги, ўзига хос ритм, сахна либослари, гавда, қўл, оёқ ва бош ҳолатлари батафсил таҳлил этилган. Бухоро рақс мактабининг усталари И.Оқилов ва Оқиловлар сулоласи ҳақида ҳам кенг маълумотлар берилган.

Ўзбек рақслари тарғиботига бағишланган ўқув қўлланмалардан бири “Ферганский танец”<sup>22</sup> (“Фарғона рақси”) китоби бўлиб, Фарғона рақс мактабининг анъана ҳамда ўзига хослигини очиқ беришга қаратилган. Олима Фарғона услубидаги рақслар таҳлили, ҳаракатлар кетма – кетлиги ҳақидаги маълумотлар берган. Китобда ҳар бир рақс ҳаракатининг кетма – кетлиги, ҳолатдан - ҳолатга ўтиш қоидалари ва кўринишлари, оёқ ва қўл ҳаракатлари батафсил баён этилган.

Ушбу қўлланмада Доира дарсининг 5 та қисми тўлиқ ёзилиб, рақслар ижроси таҳлил этилган. Ҳар бир ҳаракатнинг маълум мусиқа ўлчамлари билан берилиши ҳамда суратлар билан тўлдирилиши қўлланманиннг илмий қимматини янада оширади.

Розия Каримованиннг “Хоразм рақс санъати”<sup>23</sup> (“Хорезский танец”) номли ўқув қўлланмасида Хоразм воҳасининг анъаналари, рақс санъатининг гўзал жиҳатлари ўрганилган. Хоразм рақсларининг миллий хусусиятлари, ўзига хос ҳар бир ҳаракат асослаб, аниқ кўрсатиб берилган. “Хоразм рақси” китобида илк бор Хоразм миллий рақсининг мураккаб кўринишлари ўз аксини топган.

Олима ушбу изланишида Хоразм рақс мактабининг ёрқин ва жўшқин ҳаракат ҳамда ҳолатлари, ўзига хос жиҳатлари очиқ берган ҳамда Хоразм

---

<sup>22</sup> Каримова Р. Ферганский танец. — Ташкент: Изд. лит.и иск. им. Г.Гуляма 1973, стр.224.

<sup>23</sup> Каримова Р. Хорезмский танец. — Т.: 1975.

рақсларининг табиат билан уйғунлиги, турли жониворларга тақлид қилиш орқали ривожланиб бориши ҳақида маълумотлар берган.

Розия Каримова ҳар бир ўзбек рақси мактабларининг рақс қоидаларини баён қилувчи китобларни рус тилида ёзган эди. Мустақиллик йилларида уларнинг барчаси ўзбек тилида нашр эттирилиб, “Ўзбек рақслари”<sup>24</sup> деб номланган ягона тўплам юзага келди. Ушбу китоб миллий рақс санъати бўйича ўқув қўлланма бўлиб, унда ўзбек рақс санъатининг қоидалари, ҳолатлари, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос мактаби, ҳаракатларнинг номланиши ва уларнинг қандай бажарилиши ҳақида тўлиқ ҳамда тушунарли маълумот берилган. Олиманинг ушбу қўлланмасида Фарғона, Бухоро ва Хоразм мактабларига мансуб айрим рақслар намуна сифатида келтирилган. Қўлланмада Бухоро рақси, Хоразм рақси, Фарғона рақсига хос бўлган асосий ҳаракатлар мажмуаси алоҳида берилади, рақс услублари бир-биридан фарқланади. Китобда ҳар бир рақс услубига хос ҳолатлар ва асосий ҳаракатлар чизмалар ҳамда суратлар билан тўлдирилган.

Р.Каримованинг илмий меросини ўрганишда унинг “Ўзбек аёллар якка рақслари”<sup>25</sup> монографиясини ҳам тилга олиш зарур. Унда ўзбек аёллар якка рақсининг XX асрнинг бошларига келиб замонавий кўриниш касб эта бошлаганлиги ҳақида маълумотлар берилган. Монографияда асосан Фарғона мактабига оид якка рақслар тадқиқ қилинган бўлиб, “Тановар”, “Жонон”, “Муножон”, “Пилла”, “Фарғона рубойиси”, “Роҳат”, “Гулсара” каби рақслар таҳлили ўрин олган.

Олима ушбу асарда аёллар якка рақсларининг ижро услублари, тарихи, мазмуни, илк ижрочиси ҳақида маълумотлар келтиради ҳамда ушбу рақсларни ижро этиш технологияси ҳақида қимматли маълумотлар

---

<sup>24</sup> Каримова Р. Ўзбек рақслари. – Т., 2003. 167 бет.

<sup>25</sup> Каримова Р., Д.Сайфуллаева Д. Ўзбек аёллар якка рақслари. – Тошкент, “Чўлпон” нашриёти, 2007.

беради. Рақс ёзувлари суратлар ва чизмалар билан тўлдирилган бўлиб, мусиқий ноталар билан ҳам таъминланган.

Р.Каримова ўз илмий изланишларида раққослар ҳамда балетмейстерларнинг ижодий фаолиятини ёритувчи бир қатор монографиялар ҳам яратди. Улардан “Узбекские танцы в постановке Исахара Акилова”<sup>26</sup>, “Танцы Равии Атаджоновой”<sup>27</sup> каби асарларни келтириш мумкин.

Р.Каримованинг “Узбекские танцы в постановке И. Окилова” номли китобида (1987) Ўзбекистон халқ артисти, балетмейстер И.Оқиловнинг Бухоро рақс мактаби ривожига қўшган юксак хизмати ёритилган. Китобга “Ларзон”, “Ҳаваскор” сингари машҳур рақслар киритилган бўлиб, уларнинг мусиқа нотаси, ҳаракатлар тизими, либослар таърифи, ҳаракатларнинг ўзига хослиги каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Розия Каримова “Мукаррам Турғунбоева рақслари” (1992), “Қундуз Миркаримова рақси”, “Исоҳор Оқилов рақси” (1983), “Ўзбек миллий рақслари”, “Ўзбекистон халқ артисти И.Оқилов сахналаштирган ўзбек рақслари”, “М.Турғунбоеванинг “Баҳор” ансамблидаги ижоди”, “Лазги” ансамблининг вокал-хореографик рақслари”, “Шодлик” ансамблининг рақслари”, “Рақс ҳаракатлари” каби қатор асарларида ўзбек рақс санъатига доир кенг илмий-амалий маълумотлар келтирилган.

Олиманинг Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Турғунбоева ташкил этган “Баҳор” рақс ансамблининг ижодий фаолиятига бағишланган “Баҳор” ансамбли рақслари (1979) китобини алоҳида тилга олиш зарур. Унда ажойиб раққоса ва балетмейстер Мукаррама Турғунбоеванинг “Баҳор” рақс ансамбли учун сахналаштирган рақслари келтирилган. Ушбу жамоанинг ўзбек рақс санъатини бутун дунёга машҳур қилган энг сара

---

<sup>26</sup> Каримова Р. Узбекские танцы в постановке Исахара Акилова. –Ташкент: Изд. лит. и иск. им. Г.Гуляма, 1987, стр. 398.

<sup>27</sup> Каримова Р. Танцы Равии Атаджоновой. –Ташкент: Изд. лит. иск. им.Г. Гуляма,1983, стр. 166.

миллий рақс намуналари: “Тановор”, “Жонон”, “Пилла”, “Фарғона рубойиси”, “Муножот” каби нодир якка рақслар ва “Баҳор вальси”, “Баёт”, “Наманган олмаси”, “Пахта” сингари жамоавий рақслар ўрин олган. Тўпламда жамланган миллий рақслар махсус ёзувлар воситасида акс эттирилган бўлиб, сурат ва чизмалар билан ҳам тўлдирилган.

Р.Каримова ўзбек рақсшунослигининг назарий асослари ва таълими борасида чуқур илмий, амалий ҳамда ижодий тадқиқотлар олиб борди. Мазкур тадқиқотларнинг аксарияти китоб шаклида нашр этилиб, рақс санъати соҳасида таҳсил олаётган барча талаба ва магистрантлар учун муҳим назарий манба вазифасини ўтаб келмоқда.

Розия Каримова илмий изланишларни устозлик фаолияти билан боғлаб олиб борди. У 1947 йилдан Тошкент хореография билим юртида ёшларга сабоқ бериб, қатор раққос ва раққосаларни тарбиялади. Юксак ички маданият ва ширинсўзлик билан алоҳида ажралиб турадиган Р.Каримова шогирдларига ниҳоятда талабчан бўлиш билан бирга, меҳрибон ва ғамхўр устоз ҳам эди.

Л.Авдеева ва Р.Каримова Санъатшунослик институтининг “Театр ва хореография” бўлимида олиб борган фаолиятлари мобайнида рақс санъати тарихи ва ривожини ёритишга бағишланган илмий тадқиқотлари, монография ва китоблари, қўлёзмалари билан ўзбек хореография санъатини илмий ўрганиш жараёнига улкан ҳисса қўшдилар.

Рақсшунослик соҳасида олиб борилган тадқиқотлар самарасида М.Аҳмедовнинг “Маргарита Оқилова”<sup>28</sup> ва “Исохор Оқилов”<sup>29</sup> монографияси, Е.А.Петросованинг “Каракалпакский танец”<sup>30</sup>, “Тамарохоним”<sup>31</sup> сингари китоблари яратилди. Мазкур адабиётларда миллий рақсларни ўқитиш муаммоси муайян балетмейстерлар ижоди мисолида таҳлил этилган.

---

<sup>28</sup> Аҳмедов М. Маргарита Оқилова. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт, 1985, 64 бет.

<sup>29</sup> Аҳмедов М. Исохор Оқилов. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт, 1984, 98 бет.

<sup>30</sup> Петросова Е.А. Каракалпакский танец. -Ташкент, 1976, стр.227.

<sup>31</sup> Левитина С.А. Тамарохоним. – Тошкент, 1956, 26 бет.

1980 йилларга келиб “Театр ва хореография” бўлими Санъатшунослик институтнинг етакчи бўлимларидан бирига айланди. Шу даврда бир қатор илмий ишлар бажарилди: “Баҳор” ансамбли раққосаларидан бири Гулсум Ҳамраева 1986 йилда “Общие законы сценической хореографии и национальный образ танца” мавзусида, М.Исроилов 1991 йилда “Ўрта Осиё ва Козоғистон ҳудудларида уйғур рақслари” мавзусида номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар. Шунинг эътирофи этиш лозимки, бугунги кунгача Санъатшунослик институти доирасида хореография санъати муаммолари соҳасида бошқа докторлик ёки номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинмади.

Санъатшунослик институтининг “Театр ва хореография” бўлимида рақс санъатини ўрганувчи тадқиқотчилар сонини кўпайтириш мақсадида 2005 йили ушбу йўналиш бўйича Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабида “Санъат назарияси ва тарихи” кафедраси ташкил этилди.

## **2.2. Мустақиллик йилларида хореография санъатини илмий ўрганиш жараёнлари**

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан қисқа тарихий давр ичида мамлакатимизда давлат ва жамият қуришнинг янги сиёсий асослари яратилди ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳаларда ривожланишнинг устивор йўналишлари белгилаб берилди.

Мустақиллик йилларида санъатнинг барча соҳалари каби рақс санъатининг ҳам янада ривожланишига катта эътибор қаратилди. Юртимизда маънавий-маърифий соҳаларда жадал суратда олиб борилаётган туб ислоҳотлар бугунги кунга келиб ўзининг амалий натижаларини бермоқда. Бу ислоҳотлар рақс санъатида ҳам тобора яққол намоён бўлиб, соҳада жуда кўп ўзгаришларга, ютуқларга эришилмоқда. Юртимизда Наврўз, 9 май - Хотира куни, Мустақиллик байрамлари каби



саналар кенг нишонланиб келинмоқда, бу байрамларда турли рақслар ва композициялар намойиш этилмоқда.

Республикада асрлар оша яшаб келаётган миллий рақс санъати анъаналарини ўрганиш, бойитиш ва тарғиб қилиш, рақс санъатини янада ривожлантириш, унинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, маҳоратли балетмейстер ва рақс усталари ҳамда рақсшунос кадрларни тарбиялаш масалалари устивор бўлиб келмоқда.

Халқимизнинг асрлар давомида шаклланиб келган ноёб меросини, жозибали рақс намуналарини тўплаш, бойитиш, уни кейинги авлодга ўзгармаган ҳолда етказиш, ёшларда бу меросга ҳурмат ва ҳавас туйғуларини уйғотиш энг долзарб вазифадир.

Ўзбек халқининг миллий рақс санъати кўп асрлар давомида шаклланди ва ривожланиб келди. Ҳозирги кунгача етиб келган рақс ва мусиқанинг тур ва жанрлари ниҳоятда бой ва ранг-баранг бўлиб, у халқимизнинг бебаҳо бойлиги ва меросидир.

Мустақиллик йилларида республика бўйича миллий рақс маданиятини илмий ўрганиш, рақс ижодкорларини бирлаштириш, давлат ва рақс ансамбллари фаолиятини йўналтириш, рақс ҳаваскорлиги ҳаракатини янада кучайтириш, йигитлар рақсини изга солиш, анъанавий рақс услубларини асраб-авайлаш асосида янги рақслар яратиш, унутилган қадимий рақслар, ҳаракатлар ва композицияларни тиклаш, рақс таълимида сифатни ошириш каби вазифаларга эътибор кучайтирилди.

Миллий рақс санъати тарихини чуқур ўрганиш, миллий рақсларни ёзиб олишнинг энг қулай услубини ишлаб чиқиш, рақс санъати танқиди, таҳлили ва тарғиботини ривожлантириш рақсшуносларнинг ҳозирги кундаги муҳим вазифаси ҳисобланади.

Рақс санъати тарихини ўрганиш билан боғлиқ адабиётдан бири Любовь Авдееванинг ”Ўзбек миллий рақси тарихидан”<sup>32</sup> асари бўлиб,

---

<sup>32</sup> Авдеева Л. Ўзбек миллий рақси тарихидан. Биринчи китоб – Т.: 2001, 283-б.

китобни асосий дарсликлар қаторига киритиш мумкин. Муаллифнинг кўп йиллик илмий изланишлари натижасида вужудга келган ушбу китоб ўзбек рақс санъатининг қадимги замонлардан то 2000-чи йилга қадар ривожланиш тарихини ўз ичига олади.

Л.Авдеева ушбу тадқиқотида ўзбек халқ рақс санъатининг тарихий турлари ва жанрлари, мавжуд рақс мактабларининг ўзига хос хусусиятларини баён этган.

Соҳани илмий ўрганиш ҳар бир фанда тарихий, назарий ва танқидий мезонларни қамраб олади. Бугунги кунда Ўзбекистон санъатшунослари томонидан яратилган, ўзбек анъанавий хореографиясига бағишланган турли илмий тадқиқотлар, илмий адабиётлар ва мақолалар мавжуд. Турли газета ва журналларда рақс кўрик-танловлари, рақс жамоаларининг ижодий сафарлари, рақс усталарининг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган мақолалар мунтазам чоп этилмоқда.

Мустақиллик йилларида нашр этилган “Ўзбекистон санъати” номли жамоавий тўпламда М.Қодировнинг қаламига мансуб “Рақс санъати”<sup>33</sup> мақоласини тилга олиш мумкин. Муаллиф Ўзбекистон мустақилликка эришгач, халқ анъаналари ва қадриятларини тиклаш масалалари етакчи вазифага айланганини эътироф этади. Мақолада вилоятлардаги халқ ижодиётида намоён бўлган “Бойсун” (Сурхандарё), “Шалола” (Тошкент вилояти), “Сумалак” (Андижон), “Достон” (Хоразм), “Чавки” (Самарканд), “Чироқчи уфориси” (Қашқадарё) каби ашула ва рақс ансамблларининг фаолиятига баҳо беради.

Шу билан бирга, рақс санъати таълимида дарслик ва ўқув адабиёти яратиш ниҳоятда мураккаб вазифа эканлигини таъкидлаш зарур. Чунки рақс санъатидаги ҳар бир ҳаракат ва ҳолатларни таърифлаш, уларни

---

<sup>33</sup> Қодиров М. Рақс санъати. Ўзбекистон санъати. – Т.: 2001, 179-184 б.

муסיқа билан қиёслаган ҳолда асослаш анча қийинчилик туғдиради. Рақс санъати ҳақида адабиёт яратиш ёки уни илмий тадқиқ этиш учун назариётчи ана шу санъат соҳасини, хусусан, амалиётини чуқур билиши, соҳада маълум тажриба тўплаши ва муаммо ёки камчиликларни ички томондн кўра олиши зарур.

Бу борада Ю. Исматованинг “Тановар”<sup>34</sup> номли китоби алоҳида аҳамият касб этади. Унда ўзбек рақсларини саҳналаштиришдаги тарихий-назарий масалалар, уларда балетмейстернинг ўрни ва фаолияти атрофлича таҳлил этилган.

Ўзбек рақс санъати ривожига ўзининг ҳиссасини кўшган қатор раққос ва раққосаларнинг фаолияти ҳақида Ў.Шокиров, Ф.Ашрафий ва И.Шокироваларнинг ҳаммуаллифликда яратган “Ўзбекистон маданияти намоёндалари”<sup>35</sup> китобида маълумотлар берилган. Ушбу адабиётда ўзбек рақс санъати ривожига улкан ҳисса кўшган атоқли созанда Уста Олим Комилов, раққоса ва балетмейстер Тамарахоним, мохир раққоса Гавҳар Рахимова, Галия Измайлова, Қундуз Миркаримова, Маъмура Эргашева, Вилоят Оқилова ва бошқа қатор санъаткорларнинг ижодий фаолияти ёритилган.

“Тановар” рақс жилолари”<sup>36</sup> номли монография тадқиқотчилар Л.Авдеева, М.Қодиров, Ю.Исматовалар томонидан ҳаммуаллифликда икки тилда(ўзбек ва рус) яратилган бўлиб, унда Л.Авдеева “Ўзбек миллий балети”, М.Қодиров эса “Тановар” рақс театри” мақолалари билан иштирок этдилар. Китобнинг кейинги саҳифалари Ю.Исматова либреттоси асосида саҳналаштирилган “Нодира”, “Темурий маликалар”, “Увайсий”, “Мозийдан садо”, “Улуғбек буржи ёки юлдузлар жилоси” каби қатор спектакллар, Ю.Исматова саҳналаштирган миллий балет ҳамда рақслар таҳлилига бағишланган.

---

<sup>34</sup> Исматова Ю. Тановар. – Тошкент, Ғ. Ғулом нашриёти, 2001.

<sup>35</sup> Шокиров Ў., Ашрафий Ф., Шокирова И. Ўзбекистон маданияти намоёндалари. – Тошкент, 2001.

<sup>36</sup> Авдеева Л., Қодиров М., Исматова Ю. “Тановар” рақс жилолари. – Тошкент, Ғ. Ғулом нашриёти, 2002.

Ўзбек рақс санъатини ўрганишда Насиба Абрайкулованинг “Рақс жамоаси билан ишлаш услубиёти”<sup>37</sup> ўқув қўлланмаси диққатга сазовор. Муаллиф ушбу қўлланмада рақс жамоаси билан ишлаш услублари ҳақида батафсил маълумот берган бўлиб, қўлланма рақс жамоалари раҳбарлари ҳамда балетмейстерлар учун манба сифатида хизмат қилиши мумкин.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, раққоса ва устоз Ўғилой Мухемедова томонидан яратилган “Уйғур халқ рақси”<sup>38</sup> ўқув қўлланмаси уйғур халқ саҳна рақсининг тарихи, назарий ва амалий асосларини ёритишга қаратилган.

Уйғур халқ рақслари ҳам қадимий ва бой санъатдир. Муаллиф уйғур рақсларидаги асосий хусусиятларни таснифлаб, ўқув қўлланмани аниқ манбалар, тарихий далиллар асосида яратган, уни фотосуратлар билан тўлдирган.

Ўзбек рақс санъатини ўрганишда Д.Сайфуллаева ва З.Казакбаевнинг ҳаммуаллифликда нашр этган “Ўзбек рақс санъати тарихи ва рақс саҳналаштириш сири”<sup>39</sup> номли китоби диққатга сазовор.

Ушбу адабиёт миллий рақс тарихи ҳақида маълумот беради, унда халқ рақслари, ўзбек рақс либослари тарихи, тақинчоқлар ҳақида ҳам маълумот берилган. Китобда рақс саҳналаштиришнинг усул ва услублари, рақсга мос мусиқа танлаш ва таҳлил этиш каби масалалар ўрин олган.

Муаллифлар рақс ижрочиларига таъриф бериб, “Баҳор”, “Лазги”, “Тановар” ва “Зарафшон” каби миллий рақс жамоалари репертуарини ҳам ўрганиб чиқадилар. Ушбу адабиёт халқ ва профессионал рақсларни саҳналаштиришда ёрдам берувчи қўлланма вазифасини бажариши мумкин.

Рақс санъати доимий равишда ўзгариб боровчи, доимий ҳаракатдаги санъатдир. Халқ рақсларида миллий ўзига хослик, урф-одатлар, халқнинг дунёқараши, бадий тафаккури, миллий руҳи ўз ифодасини топади. Ўзбек

---

<sup>37</sup> Абрайкулова Н. Рақс жамоаси билан ишлаш услубиёти. – Тошкент, 2003. - 55 бет.

<sup>38</sup> Мухамедова Ў. Уйғур халқ рақси. – Тошкент, 2009. - 130 бет.

<sup>39</sup> Сайфуллаева Д., Казакбаев З. Ўзбек рақс санъати тарихи ва рақс саҳналаштириш сири. – Тошкент, 2006. - 76 бет.

миллий рақс санъати намуналари ҳозирги кунда ҳам ўзининг бадиий-эстетик аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Бу ўринда “Баҳор” рақс ансамблининг етакчи раққосаси, санъатшунослик фанлари номзоди Гулсум Ҳамраеванинг “Рақснинг миллий қиёфаси”<sup>40</sup> номли китобини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Муаллиф “Баҳор” ансамбли репертуарида мавжуд бўлган икки юздан ортиқ оммавий ва яқка рақслардан йигирма учтасини танлаб олган ва уларга изоҳ берган.

Китоб уч бўлимдан ташкил топган бўлиб, биринчи бўлимда халқ рақслари, иккинчи бўлимда миллий рақслар ва учинчи бўлимда Шарқ халқларининг рақслари ҳақида маълумот берилган. Унда Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоеванинг ижодий фаолияти, “Баҳор” ансамбли репертуаридан ўрин олган қатор рақслардаги ҳаракатлар ва ижро услублари ёритилган. Муаллиф мавжуд ўзбек рақс мактаблари рақсларининг ижро ҳаракатлари, бош, гавда, қўл ва оёқ ҳолатларини чуқур таҳлил этган.

Фарғона рақс мактаби вакиласи бўлган Мукаррама Турғунбоева бутун ҳаёти давомида ўзбек рақс меросини ўрганиб борди ҳамда ижро маҳоратини ўстиришда давом этди. У асрлар давомида ўзига хос ижро усуллари шаклланган ўзбек мумтоз рақс санъатига таянган ҳолда ўзбек халқ ва мумтоз саҳна рақсларини яратди. Мукаррама Турғунбоева “Баҳор” рақс ансамбли учун икки юздан ортиқ рақсларни саҳналаштирди, ансамбль раққосалари эса бу гўзал рақсларни бутун дунёга мисли кўрилмаган муваффақият билан намоёниш этдилар. Раққосалар катта рақс мактабини ўтаб, халқ рақсларининг энг нозик жиҳатларини қунт билан ўзлаштирган эдилар, шу сабабли, бу рақсларда ўзбекона ҳаё, миллий руҳ, ички маданият, юқори бадиий дид ўз ифодасини топган эди.

---

<sup>40</sup> Ҳамраева Г. Рақснинг миллий қиёфаси. – Тошкент, 2012. - 176 бет.

Гулсум Ҳамраеванинг “Рақснинг миллий қиёфаси” монографияси икки тилда ёзилганлиги боис, рақс санъатини ўрганувчилар учун алоҳида қулайлик туғдиради.

Рақс санъати мусиқа билан узвий боғлиқдир, халқ рақсларида ритм ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбек рақслари мазмунини ифода этишда ижрочилар қарсак, қайроқ ва зангдан фойдаланадилар, баъзи рақслар эса рўмол, пиёла ва бошқа буюмлар билан ижро этилади.

Вилоятлар рақс санъатини ўрганишда Ш.Қурбонова ва Х.Хурсандовларнинг “Сурхон рақс мактаби”<sup>41</sup> номли ўқув қўлланмаси қўл келади. Унда Сурхонча рақсларни ижро этишдаги ҳаракатлар, ўзига хос жило ва ритмлар таърифланади. Қўлланмада ҳар бир сахна асари таҳлил этилиб, Сурхонча рақслардаги қадам ташлаш, қўл ва гавда ҳаракатларига изоҳ берилади.

Хореография санъатини ўрганиш борасида муаллифлар Э.Саитова ва Н.Абрайқуловалар яратган “Хореография ва рақс санъати асослари”<sup>42</sup> номли ўқув қўлланмани тавсия этиш зарур. Ушбу адабиёт назарий ва амалий қисмлардан таркиб топган бўлиб, муаллифлар назарий қисмни хореография ва рақс санъати асослари, амалий қисмни эса рақс санъатини ўқитишнинг асосий предметлари ҳамда рақс санъатининг шаклланишига таъсир этувчи омиллар каби бўлимларга ажратган ҳолда ўрганиб чиққанлар. Ушбу ўқув адабиёти хореография ва рақс санъатини ўрганиш ва таснифлашда, илмий тадқиқот ишларини олиб боришда манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Абдулла Сафоевнинг “Театр” журналида нашр этган “Рақслар сеҳри”<sup>43</sup> мақоласи Хоразм вилоятининг сержило рақсларини таҳлил этишга бағишланган. Муаллиф Хоразм рақсларидаги ҳаётсеварлик, шодлик, шўхлик каби хусусиятлар ҳақида сўз юритади. Мақолада “Баҳор”,

---

<sup>41</sup> Қурбонова Ш., Хурсандов Х. Сурхон рақс мактаби. – Тошкент, “Нур сеҳри ошиёни”. 2010. – 73 бет.

<sup>42</sup> Саитова Э., Абрайқулова Н. Хореография ва рақс санъати асослари. – Тошкент, 2015.

<sup>43</sup> Сафоев А. Театр. Рақслар сеҳри. 2016 йил, № 4, 40-41 саҳифа.

“Ўзбекистон”, “Лазги”, “Хоразм” каби рақс ансамблларининг фаолияти ҳақида ҳам маълумот берган.

“Театр” журналининг 2017 йил №3 сонида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Амина Бабажанованинг “Ўзбек балети дурдонаси”<sup>44</sup> мақоласи чоп этилди. Унда муаллиф композитор У.Мусаевнинг Ўзбекистон халқ артисти, балетмейстер И.Юсупов саҳналаштирган “Тўмарис” балети таҳлил этилган.

Миллий рақс мактабларини ўрганиш, уларни келажак авлодга етказишда рақсшунос олимлар кўприк вазифасини ўтайдилар. Мустақиллик йилларида рақс санъатини ўрганиш борасида қатор амалий ва илмий ишлар олиб борилди. 2001-йилда Санъатшунослик институти Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган “Ўзбекистон санъати” (1991-2001 йиллар) тўпламини нашр этди.

Мавзу доирасида “Опера ва балет”, “Рақс санъати” мақолалари пухта ёзилган ва талайгина мисоллар билан бойитилган. “Рақс санъати” мақоласида Ўзбекистон вилоятлари ҳудудларидаги фольклор - этнографик ансамбллар таркиби, репертуарларига бағишланган бўлиб, унда М.Турғунбоева номидаги Республика кўрик танлови ҳақида ҳам маълумот берилган.

Мақолада “Тановор” рақс театри ижодидаги спектакллар, рақс дастурлари атрофлича таҳлил этилган.

Миллий рақс санъати ривожини ва тарғиботига бағишланган мавзуларни ўрганиш борасида Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби бакалаврият ва магистратура мутахассислиги битирувчилари ҳар йили диссертацияларни ҳимоя қилмоқдалар. Ушбу ишлар нашр қилинмагани боис, кенг ўқувчига маълум эмас. Шу сабабли, маълум диссертациялар ва битирув малакавий ишларини ихчам қўлланма сифатида нашрга тавсия этиш муҳимдир.

---

<sup>44</sup> Бабажанова А. Театр. Жемчужина Узбекского балета. 2017, №3, 46 саҳифа.

Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабида хореография санъати масалаларига, таълим услубларига бағишланган конференциялар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Ушбу анжуманларда қатнашиб келган профессор-ўқитувчилар, магистрантлар, истеъдодли талабаларнинг маърузалари нашр этилди.

2012 йилда Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабида ўтказилган Республика илмий-амалий анжуман мавзуси “Глобаллашув жараёнида хореография санъати соҳасида миллийликни сақлаш муаммолари” деб номланди. Унда олий мактабнинг қатор профессор-ўқитувчилари ва магистрантлар турли мавзудаги маърузалар билан иштирок этдилар. Ушбу анжуман материаллари ҳам алоҳида тўплам кўринишида нашр этилди.

2014 йилда нашр этилган тўплам таркибига “М.Турғунбоева ижоди ва унинг ўзбек сахна хореографияси ривожини учун қўшган ҳиссаси” мавзусидаги Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабида ўтказилган Республика илмий-амалий анжуман материаллари киритилган.

“Ўзбек хореографияси санъатида ворислик масалалари” мавзусида ўтказилган конференция материаллари 2015 йилда нашр этилди. Унда олий мактабда мавжуд ўқув кафедраси профессор-ўқитувчилари ҳамда магистрантларнинг мақолалари ўрин олган.

2017 йилда нашр этилган тўпламга Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабида ўтказилган “Ўзбекистонда хореографик таълимнинг замонавий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман материаллари киритилган.

2015 йил 4-6 ноябрь кунлари Қозоғистон Республикаси М.Ауэзов номидаги Жанубий Қозоғистон давлат университетида “Хореография” кафедрасининг 30 йиллигига бағишланган “Актуальные вопросы современности: культура, история, идеология” деб номланган Халқаро илмий амалий конференция бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда Тошкент давлат



миллий рақс ва хореография олий мактабининг 19 та профессор-ўқитувчилари, магистрант ва талабалари рақс санъати муаммоларига бағишланган мақолалар билан иштирок этдилар.

2018 йил апрель ойида олий мактабда “Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография таълимининг долзарб муаммолари” мавзусида навбатдаги илмий-амалий конференция ўтказилди. Анжуманда олий мактаб профессор-ўқитувчиларидан ташқари турли ўқув юртлари, мусиқа мактаблари ва институт ўқитувчилари ҳам рақс санъатига бағишланган мақолалар билан иштирок этдилар. Конференция материаллари алоҳида тўплам тарзида нашр этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, олий мактабнинг “Санъат назарияси ва тарихи” кафедраси профессор-ўқитувчилари мунтазам равишда турли халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда рақс санъатига доир мақолалар билан фаол иштирок этиб келмоқдалар. Албатта, ушбу мақолалар юртимизда рақс санъатини ўрганиш ва тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этади.

### **Хулоса**

Ҳар қандай давр ва жамиятда унинг ижтимоий ҳаётини санъат ўзида акс эттиради. Ҳар бир санъат тури воқеликни ҳаққоний, ёрқин ва ўзгача

таъсирчан ҳолда ифода этади. Бошқа санъат турлари каби, рақс санъати ҳам инсоннинг дилига ҳузур бағишлайди, уни гўзал ва мўъжизавий оламга олиб киради.

Санъат турлари ичида рақс санъати ўзининг мураккаблиги ва шу билан бирга гўзаллиги, нозиклиги ва жозибаси билан ўзига мафтун этади. Рақс санъати ўзида ҳаётни бадий ифода этади, инсон ҳис-туйғулари, фикрларини сўзлар воситасисиз, фақат ҳаракатлар ҳамда юз ифодаси билан очиқ беради.

Инсоннинг ҳис-туйғулари ва ўзаро муносабатини тана ҳаракатлари орқали ифода этиш жараёнида шаклланиб, ривожланиб келган рақс санъати ҳар бир миллатнинг ўзига хос жиҳатларини намоён этади.

Ўзбек рақс санъати асрлар давомида ривожланиб келди ва ҳозирги кунда энг севимли санъат тури сифатида ардоқланиб келмоқда. Ўзбек рақси XX аср давомида халқ орасида байрам ва маросимлар билан боғлиқ ҳолда анъанавий шаклларда ҳамда замонавий сахна талаблари асосида қайта ишланган шаклларда ўзлигини намоён этди. Асрлар давомида тўпланган бой анъаналар Мустақиллик даврида янгича талқин, янгича шакл, янгича мазмун касб этиб, янада гўзаллашди, замон руҳига мос кўрк касб этди.

Ўзбек рақсининг мавжуд ҳар бир мактаби ўзига хос шакл кетма-кетлиги, куй-оҳанг ва ҳаракатлари билан бир-биридан фарқланади. Азалдан профессионал ижрочилар рақс санъатининг барча сир-асрорларини узоқ йиллар давомида устоз-шогирд тизимида ўрганиб келдилар. Бу анъанада сабоқ олиш рақс санъатини мукамалроқ ўзлаштириш, шу асосда миллий меросимизнинг бугунги кунгача тўлиқ ҳолда етиб келиши учун замин бўлди.

Қадимдан санъат усталари рақс усулларини ўзлаштириш, унинг анъаналарини сақлаб қолиш ва келажак авлодга етказиш вазифасига ўз

улушларини кўшиб келганлар. Ана шундай устоз санъаткорлардан Уста Олим Комилов, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Тамарахоним ва Мукаррама Турғунбоеваларнинг номларини алоҳида ёдга олиш зарурдир.

Миллий рақс санъатимизнинг тарихи ва ривожини илмий ўрганиш борасида Ғ.Зафарий, И.Бахта, Л.Авдеева, М.Қодиров, М.Рахмонов, Р.Каримова ва бошқа олимлар самарали фаолият олиб бордилар. Рақс санъатига доир масалаларни ўрганишга бағишланган йирик илмий монографик тадқиқотлар, ўқув қўлланмалар яратилди, илмий мақолалар чоп этилди.

Мустақиллик йилларида республика бўйича миллий рақс маданиятини илмий ўрганиш, давлат ва рақс ансамбллари фаолиятини, рақс ҳаваскорлиги ҳаракатини янада кучайтириш, анъанавий рақс услубларини асраб-авайлаш асосида янги рақслар яратиш, унутилган қадимий рақслар, ҳаракатлар ва композицияларни тиклаш, рақс таълимида сифатни ошириш каби вазифаларга эътибор кучайтирилди. Қатор унутилган рақслар тикланиб, фольклор гуруҳларнинг рақслари ўрганилди. Рақс санъати янада оммалашиб, турли рақс ансамблларининг сони ҳам кўпайди.

Рақс санъати тарғиботида рақс дасталарининг ҳам ўрни каттадир. Уларнинг ҳар бири ўз дастури ва ўз услубига эга бўлиб, халқ сайиллари, концерт ва тантаналарда, Мустақиллик ҳамда Наврўз байрамларида ўз санъатларини намойиш этиб келмоқдалар.

Рақс санъатида янгиликка интилувчи, рақс санъатини бирор усул, мактаб билан бойитиш йўлида ижод қилаётган санъаткорлар талайгина. Балетмейстерлик фаолиятида миллий мумтоз рақслар билан бирга эстрада ва спорт билан боғлиқ рақсларни ҳам сахналаштириш кузатилмоқда.

Республикамизда ҳар йили М.Турғунбоева номидаги кўрик-танловнинг анъанавий тарзда ўтказиб келиниши рақс санъатини тарғиб

этишдаги самарали воситалардан биридир. Ушбу йилда “Бухоро жилolari” номли кўрик-танлов ўтказилиб, унда яккахон раққосалар ҳамда рақс дасталари иштирок этдилар. Шубҳасиз, бу танловларнинг ўтказилиши юртимизда рақс санъатига интилувчи ёшлар сонини янада кўпайтиришга хизмат қилади.

Шу каби эзгу ишлар амалга оширилиши билан бирга, ўзбек миллий рақс санъатининг муаммолари тўлиқ ечимини топгани йўқ. Бугунги кунда профессионал раққосалар ҳамда юқори малакали балетмейстерларнинг камлиги рақс соҳасида ўз ечимини кутаётган масалалар мавжудлигидан дарак беради.

Ҳозирги кунда қатор балетмейстерлар ўзбек рақс санъатининг анъаналари, ўзига хос услуб ва йўналишларини сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқдалар. Шу билан бирга қатор муаммолар ҳам мавжуд. Баъзи рақслардаги ҳолат ва ҳаракатлар, юздаги имо-ишоралар ошқора ясама эканлиги, либослардаги ортиқча ялтироқлик, безакларнинг кўплиги ҳамда рақсга мос эмаслиги кўзга ташланади.

Мавжуд камчиликлардан яна бири баъзи рақсларда ўзбек рақс мактаблари ўртасидаги фарқли томонларнинг йўқолиши, ўзига хос ҳаракатларнинг аралашиб кетишида кузатилмоқда.

Ҳозирги кунда рақс ижро мактабининг мавжуд йўналишларида ижод қилаётган санъаткорлар фаолияти мутахассислик даражасида ёритилмай келмоқда. Ўзбек рақс санъатининг ўзига хослигини, унинг эстетик аҳамиятини илмий ўрганиш жараёни эса бугунги кун талабига жавоб бермайди. Шу боис, рақс санъатини илмий ўрганиш, бойитиш, кенгайтириш ва тарғиб қилишга эътиборни янада кучайтириш лозимлиги долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Бу каби камчиликларни бартараф этиш учун Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабида тайёрланувчи мутахассисларнинг

билим сифатига эътибор кучайтириш, уларнинг илмий фаолият олиб боришларини рағбатлантиш зарур.

Талабаларнинг билим олишларида рақс санъати бўйича яратилган ўқув ва методик қўлланма, ўқув адабиёти асосий назарий манбадир, шу сабабли соҳа бўйича янги дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш, АРМ ни мавжуд ўқув адабиётлари билан бойитиш керак. Рақс санъати тарихи, ривожланишини илмий ўрганиш, ўзбек рақсининг уч мактаби анъаналарини, ўзига хослигини, миллий характерини сақлаш, бу борада дарслик ва қўлланмалар яратиш зарур.

Шу ўринда Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабида ҳар йили ҳимоя этиладиган магистрлик диссертациялари ва бакалаврларнинг малакавий битирув ишларини кенг ўқувчига етказиш фойдадан ҳоли эмас. Энг намунали яратилган ишларни кичик қўлланма сифатида нашрга тавсия этиш ҳам мумкин.

Рақс санъати таҳлили, танқиди ва тарғиботига бағишланган илмий мақолаларни махсус даврий нашрда чоп этиб бориш соҳага эътиборни кучайтириши шубҳасиз. Шу сабабли, рақс санъати соҳасидаги янгиликлар, санъаткорларнинг ижодий фаолиятига бағишланган мақола ва ахборотларни нашр этиш учун махсус журнал таъсис этилиши мақсадга мувофиқдир.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари**

1.1. Каримов И.А. – “Ўзбекистон миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони. 1997 йил 8 январь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1997 йил 1-сон.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Бадий Академиясини ташкил этиш ҳақида”ги 1997 йил 23 январдаги ПФ 1701-сонли Фармони.

1.3. Президент Ислам Каримовнинг “Авесто” китобининг 2700 йиллигига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимидаги нутқи. – “Халқ сўзи” 2001 йил 6 ноябрь №226 (2788) 1-2 бетлар.

1.4. **2017 йил фармонлари**

## **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари**

2.1. Каримов И. Ўзбекистон: миллий мустақиллик, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1996 йил.

2.2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-ж. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1996 йил.

2.3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1997 йил.

2.4. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: “Ozbekiston” нашриёти, 1998.

2.5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: “Шарқ” нашриёти, 1998.

2.6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: “Ozbekiston” нашриёти, 2000.

2.7. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т.: “Маънавият” нашриёти, 2008.

- 2.8. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
- 2.9. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
- 2.10. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
- 2.11. Мирзиёев Ш.М. “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”. – 2017 йил 20 апрелдаги № ПҚ-2909 Қарори.

### **III. Асосий адабиётлар**

- 3.1. Авдеева Л. Танцевальное искусство Узбекистана. “Адабиёт ва санъат” нашриёти. – Т.: 1960.
- 3.2. Авдеева Л. Балет Узбекистана. Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма. – Т.: 1973.
- 3.3. Авдеева Л. – “Мукаррама Турғунбоева ракси”. Ғофур Ғулом номидаги “Адабиёт ва санъат” нашриёти. – Т.: 1989.
- 3.4. Авдеева Л. Ўзбек миллий рақс тарихидан. – Т.: 2001.
- 3.5. Авдеева Л. Ўзбек рақсшунослиги тарихидан бир лавҳа. Санъатшунослик масалалари. – Т.: 1998.
- 3.6. Авдеева Л., Қодиров М., Исмамова Ю. “Тановар” рақс жилolari. – Тошкент, Ғ. Ғулом нашриёти, 2002.
- 3.7. Абрайқулова Н. Рақс жамоаси билан ишлаш услубиёти. – Тошкент, 2003.
- 3.8. Ахмедов М. Маргарита Оқилова. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт, 1985.
- 3.9. Ахмедов М. Исохор Оқилов. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт, 1984.
- 3.10. Исмамова Ю. Тановар. – Тошкент, Ғ. Ғулом нашриёти, 2001.

- 3.11. Каримова Р., Д.Сайфуллаева Д. Ўзбек аёллар якка рақслари. – Тошкент, “Чўлпон” нашриёти, 2007.
- 3.12. Каримова Р. Фарғона рақси. – Т.: 1973.
- 3.13. Каримова Р. Хоразм рақси. – Т.: 1975.
- 3.14. Каримова Р. Бухоро рақси. – Т.: 1977.
- 3.15. Каримова Р. Урок узбекского танца. “Ўқитувчи” нашриёти. – Т.: 1987.
- 3.16. Каримова Р. Доира зарбларига машғулот. Маданият ишлари вазирлиги. – Т.: 1995.
- 3.17. Каримова Р. Ўзбек рақслари. Чўлпон нашриёти. – Т.: 2003.
- 3.18. Каримова Р. Узбекские танцы в постановке Исахара Акилова. – Ташкент: Изд. лит. и иск. им. Г.Гуляма, 1987.
- 3.19. Каримова Р. Танцы Равии Атаджоновой. – Ташкент: Изд. лит. иск. им. Г. Гуляма, 1983.
- 3.20. Мухамедова Ў. Уйғур халқ рақси. – Т.: 2009.
- 3.20. Рахмонов М. Ўзбек театри тарихи. – Т.: 2003.
- 3.22. Сайфуллаева Д., Казакбаев З. Ўзбек рақс санъати тарихи ва рақс саҳналаштириш сири. – Т.: 2006.
- 3.23. Хамраева Гулсум. Рақсинг миллий қиёфаси. – Т.: 2012.
- 3.24. Шокиров Ў., Ашрафий Ф., Шокирова И. Ўзбекистон маданияти намоёндалари. Абдулла Қодирий номидаги “Халқ мероси” нашриёти. – Т.: 2001.
- 3.25. Шокиров Ў., Шокирова И. Ўзбекистон маданияти намоёндалари. – Т.: 2005.
- 3.26. Шокиров Ў. Ўзбек санъаткорлари. – Т.: 2010.
- 3.27. Қурбонова Ш., Хурсандов Х. Сурхон рақс мактаби. – Тошкент, “Нур сеҳри ошиёни”. 2010.

#### **IV. Қўшимча адабиётлар**



- 4.1. Бабажанова А. Театр. Жемчужина Узбекского балета. 2017, №3, 46 саҳифа.
- 4.2. Бочкарев А. Шахида. – Т.: 1939.
- 4.3. Карабаев У. Этнокультура. – Ташкент, “Шарк”, 2005.
- 4.4. Левитина С.А. Тамарохоним. – Т.: 1956.
- 4.5. Петросова Е.А. Каракалпакский танец. – Т.: 1976.
- 4.6. Рахимова Г. Қутлуғ йўлда. – Т.: 1973.
- 4.7. Раҳматуллаева Д. Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти 70 ёшда. Санъатшунослик масалалари. – Т.:1998.
- 4.8. Сафоев А. Театр. Рақслар сеҳри. – 2016 йил, № 4, 40-41 саҳифа.
- 4.9. Қодиров М. Рақс санъати. Ўзбекистон санъати. – 2001йил, 179-184 саҳифа.

## **V. Интернет сайтлари**

1. <http://www.ziyonet.uz>
2. <http://www.kitobxon.uz>
3. <http://www.gabt.skm.uz>
4. <http://www.balletmusic.ru>
5. <http://www.belcanto.ru>
6. <http://dic.academic.ru>

***ИЛОВА***